

*Сулаймон Рустам*

# БУРГУТЛИ ҚОЯЛАР

*Шеърлар*

---



ТОШКЕНТ — 1979

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

## Р е д к о л л е г и я

Б. Бойқобилов, И. Ғафуров, Ҳ. Ғулом, З. И. Есенбоев, В. Й. Зоҳидов, Зулфия, М. Қўшжонов, Мирмуҳсин, Н. Сафаров, Р. А. Сафаров, Р. Файзий, П. Шермухамедов, О. Ёқубов, К. Яшин (Редколлегия раҳбари).

С  
Р 92

С  $\frac{70403 - 135}{352(06) - Р}$  Р — 79

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й. (Тарж.)

## ТУҒИШГАН ШАҲАР

Тошкент, қадим шаҳар, қулоқ сол бир оз  
Қардошинг, Боқунинг шоир ўғлига.  
«Жон», дейди, бағрингда қуйлаган бу соз,  
Боғингда, боғчангда жой кўрсат унга.

Тилимдан тушмайди шуҳратинг, отинг,  
Суҳбатда мен нуқул шаънингни дейман.  
Кўзимдан бир лаҳза йироқ бўлмадинг,  
Мен сени ҳар қайда Ватан атайман,

Бирдир байроғимиз, бирдир орзумиз,  
Бирдир қўшиғимиз эл орасида.  
Пайқар соф ишқимни ҳар йигит, ҳар қиз  
Шоир кўксимдаги сўз дарёсида.

Эй, зангор дўппили, гул кийган шаҳар,  
Она бешигисан қаҳрамонларнинг,  
Манглайда қуёшдай порлайди зафар,  
Иссиқ қучоғисан мард инсонларнинг.

Мен сенга мафтунман йиллардан бери,  
Менинг армонимда, тилагимда сен.  
Ўзбек қардошимнинг дилбар шаҳари,  
Туққан шаҳаримдай юрагимда сен.

## ШЕЪР НИМА?

Шеър нима?— Сўради мендан оғайним кеча.  
Дедим:— Дўстим, азизим, тингла, айтай қисқача.  
Шеър биз кўраётган ҳаётнинг оҳангидир,  
Бизнинг она тупроқнинг ўчмайдиган рангидир.

Унинг башар-ла тенгқур қадим тарихи  
бордир,  
Шеър кўнгиллардаги энг ширин орзулардир.  
Шеър яъни: курашнинг, юксалишнинг ўзидир.  
Шеър соф юракларнинг қулоғи ва кўзидир.

Шеър унар шоирнинг тўлқинли ҳавасидан,  
Одамлар илҳом олар товуш ва нафасидан.  
Унинг сўзи, овози ҳаёт билан умрдош  
Шундан, шоир қариса ҳамки ҳамиша ёш.

Биласанми, шеърлар қандай кийим кияди?  
Шеър либоси оҳангдир, вазндир, қофиядир.  
Буларсиз қўшиқ соқов, ҳиссиз қора тош каби,  
Япроқлари тўкилган яланғоч ёғоч каби.

## МЕНСИЗ

Бир кун бу дунёдан ўтаман мен ҳам,  
Юлдузлар, ой, қуёш чиқади менсиз,  
Айрилиқ шарбатин тотаман мен ҳам,  
Одамлар чаманга боқади менсиз.

Ҳаёт ёзилади чўзиқ йўлларда,  
Айланар дунёни қиш ҳам, баҳор ҳам,  
Ёмғир ҳам, дўллар ҳам, нағалаб қор ҳам  
Кўкдан ер юзига ёғади менсиз.

Еллардан қимирлар адл тераклар,  
Тупроқдан қалқади гуллар, чечаклар.  
Лоладек кулади дардсиз юраклар,  
Дарёлар, булоқлар оқади менсиз.

Фарқланмай қолади қишлоқ ва шаҳар,  
Хушвақт умр кўрар авлоди башар,  
Улуғ айёмларда бахтли йигитлар  
У айём қўлини қисади менсиз.

Бахтини бахтимда топади олам,  
Ўчириб қўйилар луғатдан «алам»,  
Ватан боғларига қўлида қалам,  
Шоирлар сайрга чиқади менсиз.

Армонли тугамас дунёда йўлим,  
Менинг нуридийдам ягона ўғлим,  
Юртнинг дилбарига бағишлаб кўнглин  
Қўлига узукни тақади менсиз.

Шод даврон суради бу туғма эллар,  
Севиб-севилади озод кўнгиллар,  
Йигитлар қалбида таниноз гўзаллар  
Яна ишқ ўтини ёқади менсиз.

## ИЛК МУҲАББАТ

Севиб-севилганлар кўп яхши билар,  
Бўлмаскан вафоси илк муҳаббатнинг.  
Пойлайди ошиқни то қабргача  
Ширин можароси илк муҳаббатнинг.

Менинг айтганларим шикоят эмас,  
Юракни ёқувчи ҳикоят эмас.  
Ҳақиқий ошиққа кифоят эмас —  
Туганмас жафоси илк муҳаббатнинг.

Севгисиз гул, чечак битмас, эй кўнгил,  
Инсон муродига етмас, эй кўнгил,  
Негадир, билмайман, кетмас, эй, кўнгил,  
Бошимдан савдоси илк муҳаббатнинг?

Бу дардга не қилгай Луқмоннинг қўли?  
Қўлимга тегмасдан жононнинг қўли,  
Қоқди қопқамизни ҳижроннинг қўли,  
Шумикан маъноси илк муҳаббатнинг?

Мен уни севгандим бир илк баҳорда,  
У мени ташлади бўронда, қорда,  
Ҳар яра соғайиб унутилар-да,  
Соғаймас яраси илк муҳаббатнинг!

## ОЗОД<sup>1</sup>

Отинг Озод, ўзинг озод, тилинг озод, сўзинг озод,  
Дўстларингдек озодларнинг ватанида туғилибсан.  
Кулар кичик кўзларингда мен хоҳлаган буюк ҳаёт,  
Азиз болам, сен-ку, менинг ўз борлигим, ўз  
ўғлимсан!

Томирингда оқар қоним,  
Тасаддуқдир сенга жоним!

Яхши-ёмон ёзганимни сарроф каби кечир кўздан,  
Ёмонини кўм тупроққа, яхшисини танлаб қутқаз.  
Мен ўз шеър саройимни бино қилдим содда сўздан,  
Сен ҳам юрак дўстларингга ҳар сўзингни бундай  
ўтқаз.

Қўзим сенсан, ўзим сенсан!  
Болдан ширин сўзим сенсан!

Партиянинг қатордаги аскариман юзи очиқ,  
Бу азалдан ёзилгандир менинг умр дафтаримда.  
Сен эрталаб бахтим каби қуёш-ла бир олдимга чиқ  
Кўзларингнинг нури кулсин олис кўрар кўзларимда!  
Энг хуш орзу, тилагимсан,  
Тегиб турган юрагимсан!

Мендан кейин душманларга мендек кўксинг керасан  
сен,  
Тинчлик учун курашларда тўп қақшатмас қалъам  
каби.  
Аммо мени унутсанг-да, ғам емасман дунёда мен,  
Сени тупроқ тагида ҳам эслагумдир болам каби.  
Тўп қақшатмас қалъам сенсан,

---

<sup>1</sup> Шоирнинг ўғли.



## ЙЎЛЛАРИМ

Зулматли ва нурли йўллардан ўтдим,  
Кунимни ишқим-ла қилдим шуълалик,  
Ҳар қаричин дилим кўзи-ла ўпдим,  
Гўзал умидлар-ла кирди кексалик.

Ҳали ҳамон эсда онам алласи,  
Отамнинг зиндонда чеккани алам.  
Лаққа чўғ темирлар — қалбим ялласи,  
Шероғиз ўчоқнинг қизил ғишти ҳам.

Мушкул, оғир эди ўтган ҳар йўлим,  
Кўрмади уйим на бешик, на бир гул.  
Саодат, бахт деган топдию ўлим,  
Тинглаганим алла, ўқ, товши нуқул.

Кечаги шаҳидлар хотирда ҳамон,  
Улар жароҳатин дарди дилимда.  
Азизлар азизи бўлиб қаҳрамон  
Йигитлар тирикдай яшар элимда.

Шамахи, Нахчиван, Боку, Қорабоғ,  
Утмишим, тарихим, шуҳратим маним.  
Печун фахрланмай, доим юзим оқ,  
Тенглар қаторида тенг халқим маним.

Биламан, қалбимда, асло сўнмас ўт,  
Туганмас муҳаббат боиси надир?  
Ҳаётим, борлигим ва толеим бут,  
Бариси Ватандир, Ватан, Ватандир.

## **ЕШИМНИ ШЕЪРИМДАН БИЛИНГ**

**Дўстларим, ёшимни эслатманг асло,  
Шоирман, шеъримдан қидиринг мени.  
Қанча кўп йилларни мен этдим адо,  
Сочимнинг қорини сидиринг менинг.**

**Чарчамоқ не ўзи? Ҳаётим ҳузур,  
Умрлик йўлдошим гўё навбаҳор.  
Қонимда бир дунё шеърлар сузур,  
Кўзгу Ҳазардаги балиқлар мисол.**

**Кўнглимнинг торлари, юрак сўзларим  
Кечали, кундузли меҳнатимдандир.  
Юртни қўриқлаган сергак кўзларим  
Уткирлиги бахтли миллатимдандир.**

**Йиллар ўтаверсин олганин олиб,  
Мен ҳормас йўлчиман бу узун йўлда.  
Қаламим қолмайди қўлимда толиб,  
Сулаймон ҳаёти жарангдор куйда.**

**Кексалик деган сўз чекилсин нари  
Шоирнинг кўзидан, сўзидан йироқ.  
Одимлайман сиз-ла елкадош ҳали,  
Айтгандан айтмаган сўзларим кўпроқ.**



Қиш борин тўкиб солар ўзига қургандай уй,  
Еллар билан таралар ҳар ён парда-парда куй,  
Қиш бобонинг қўли-ла безатилар кўча-кўй,  
Минг турфа нақшлар солар бир моҳир наққош  
каби.

Кун гоҳ чиқиб, гоҳ ботар, эзар қалбимни ҳижрон,  
Тоғлар бошида кезар булутлар карвон-карвон,  
Савалондан олмайман соғинган кўзим бир он  
Қони қонимга қондош қардошим Балаш каби.

## ҚИММАТИ ЙЎҚДИР

Сийнаси дарёдай шеър-ла тошган  
Шоирнинг қуёшсиз саҳари йўқдир.  
Қора кун ҳам ўтди, ёруғ ҳам бошдан,  
Деманглар, дунёдан хабари йўқдир.

Бу тупроқ ўғлининг орзуси зиёд,  
Ёрқин чўққиларга тўлиқдир ҳаёт.  
Ўзини менга дўст билмасин бир зот —  
У ким дилда тоза гавҳари йўқдир.

Севгисиз ва дардсиз кечирган умр,  
Ҳаётмас, ҳулёдан излаган ҳузур,  
Ватансиз, онасиз, бетоле, бенур  
Кунни ўтганларнинг бир қадри йўқдир.

## ҲАЗАР НЕГА УХШАЙДИ...

Мендан сўрсангиз агар,— кўрганмисан саҳар он  
Бизнинг сеҳрли Ҳазар, айт, нимага ўхшайди?  
— Осмонга ўхшар Ҳазар, Ҳазарга ўхшар осмон,  
Қип-қизил ҳошнияли кўк баҳмалга ўхшайди.

Қумтепаларда яшнар узумзор, анжир боғи,  
Тўлқинлар қўшиғида соҳилнинг жон қулоғи,  
Чечак, майсалар узра гўдаклар кулган чоғи  
Ҳали басталанмаган бир қўшиққа ўхшайди.

Мен биламан Ҳазарнинг бордир қанча қувончи,  
Тўлқинни кесиб сузган кекса ва ёш қайиқчи,  
Балиқларга тўр солиб, ўлжа кутган балиқчи  
Толеидан вақти чоғ бахтлиларга ўхшайди.

Мен йўқотиб санагин ҳафталарнинг, ойларнинг,  
Атрофни сайр этаман устида қояларнинг,  
Менинг ойна Ҳазарим, шоир оғайниларнинг  
Қўшиғи ёзилажак бир дафтарга ўхшайди.

## ҲАЗАРДА ТИН

Тун. Шаҳар уйқу ичра соҳилдаман шу чоқда,  
Шу Ҳазарим ишқида етиб келдим йироқдан,  
Кечанинг қучоғида,  
Бир шеър сўроғида  
Борлигим нигоҳ бўлиб, мен Ҳазарга боқаман,  
Варақлари тўлмаган бир дафтарга боқаман.

Не ажаб ҳол, не сеҳр, кўрарканман бу тунда,  
Шоирларга қандай сир сўзларканман бу тунда,  
Ҳазар қўйни хазина,  
Қўшиқ тўла бир сийна,  
Бу чоқ кўкнинг чақноқ шўх қизлари — юлдузлари.

Сувларда чўмилади,  
Кўздан пинҳон, яланғоч,  
Тўлқинга кўмилади.  
Ой қоп-қора сувларга нур сепар этак-этак,  
Қизларига кўз тиккан болажонли онадек...

## ЙЎҚОТСАМ ЙИҒЛАГАЙМАН

Илҳомим ўзимдан тез қариса, йиғлагайман,  
Кўнглимдан хуш орзулар ариса, йиғлагайман,  
Оғир ўтди ёшлигим,  
Кечди ўтли ёшлигим,  
Шеърга кўчди ёшлигим,  
Шеъру қўшигим сочи оқарса, йиғлагайман,  
Баҳорига ёмғиру қор ёгса, йиғлагайман,

Аламдан йиғламадим,  
Дилларни тиғламадим,  
Мотамга чулғанмадим,  
Қўлимда бир кун қалам йиғласа, йиғлагайман,  
Кўнгилларга йўлимни боғласа, йиғлагайман.

Пучдир виқорсиз ҳаёт,  
Заҳматсиз, орсиз ҳаёт,  
Ишқу баҳорсиз ҳаёт,  
Қўшигим, баҳоримни йўқотсам, йиғлагайман,  
Илҳом номли торимни йўқотсам, йиғлагайман.



## КУЗ

Соҳилда.... бир дарахт остида ёлғиз  
Ўлтириб мен узоқ хаёлга чўмдим.  
Бу куздир, бу куздир, бу куздир, бу — куз,  
Аммо нигоҳимда ўзга ҳол кўрдим.

Ҳаво дим, ғаш дилим, нафас бўғилур  
Ишқимнинг ҳижронли тонглари каби.  
Дарахт япроқлари бир-бир тўкилур  
Ўтган йилларимнинг онлари каби.

Арғимчоғин солиб учар турналар,  
Турналар қўшиғи умримдай таниш.  
Энди Ланкаронга бориб қўнарлар,  
Ундан қушлар топар баҳорин ҳар қиш.

Ҳадемай куз ўтиб, ёғар паға қор,  
Оқ-оппоқ чодирга кирар коинот.  
Умримда қолмабди битта ҳам баҳор,  
Кузи узун бўлсин, қиши бўлсин ёт!

Ҳаво дим, ғаш дилим, нафас бўғилур  
Ишқимнинг ҳижронли тонглари каби.  
Дарахтдан япроқлар бир-бир тўкилур  
Ўтган йилларимнинг онлари каби...

## ОҶШОМ

Қаюотларни ёзиб сездирмай тушди оқшом,  
Деразамдан боғчага қарайман бўлиб ҳайрон,  
Севгап шаҳримнинг қиши, нақ тилга киргансимон,  
Еру кўки такрорлар, дея:— мен қишман, қишман!

Не гаройиб манзара: ер оқ чодир кийганда  
Кўк юзида кезади булутлар оғир-оғир.  
Майналарнинг галаси булоқларга қўнганда  
Дейсан: дарахтлар узра кўкдан қора қор ёғар...

## **ЎРНИНИ БОСА БИЛМАС**

**Мен қўллари қабариқ, ватанимда бир боғбон,  
Боғчамнинг гулларини ёт қўллар уза билмас.**

**Кезиб юрсин жонимдай азиз ёрим хиромон,  
Ишқимнинг шарорасин кўр кўзлар кўра билмас.**

**Юрагимнинг кўзидир менинг дунёга дарчам,  
Кўрганларим нақш бўлиб дилга ёзилар ҳар дам.**

**Дунёнинг қўшиқлари бари бўлганда ҳам жам  
Бир она алласининг ўрнини боса билмас.**

## **АХТАРИНГ**

**Бир кун ёдингизга тушсам мабодо  
Бу она ерлардан мени ахтаринг.  
Беш-олти қўшиқнинг муаллифини  
Севган кўнгиллардан ахтаринг.**

**Илк баҳор чоғида,  
Иса булоғида,  
Араз қирғоғида  
Сайр этган чоғда  
Ўрдакли кўллардан мени ахтаринг.**

**Энг азиз билганим, жонажон Батан,  
Умидим босади на туман, на чанг.  
Карвон-карвон бўлиб маъноли кечган  
Ойлардан, йиллардан мени ахтаринг.**

**Бу кўрар кўзимни,  
Юрак сўзимни,  
Менинг бор вужудим,  
Менинг ўзимни  
Куй севаган диллардан ахтаринг.**

## **УНУТИЛМАС...**

**Унут бўлмас мазмун тўла умр кўриб ўлганлар,  
Юрти билан ҳамдард яшаб, у кулганда кулганлар.**

**Саховатли тупроғида номдор фарзанд аталур  
Ўз номини қора кунда номсизлар-ла бўлганлар.**

**Ватанининг ҳавосидан тўлиб нафас ололмас  
Юрту миллат хазинасин ўзиники қилганлар.**

**Бахтиёрдир хиёнат у кудурату ҳасадни  
Ўз умрининг китобидан, луғатидан қувганлар.**

**Эй, Сулаймон, шундай ёзки, сенинг ўтли шеърингни  
Унутмасин сендан сўнгра дунёмизга келганлар!**

## ОНАЛАР

На ажиб жаҳондир бизнинг оналар:  
Бири авлодини чироғим, дейди.  
Ўзгаси айтганда тунлари алла,  
Паноҳим, полвоним, қароғим, дейди.

Бири дер: жон болам, қулоқ сол, сансиз,  
Қишларга айланар гулбаҳор, сансиз,  
Ҳеч замон бўлолма бахтиёр, сансиз,  
Кўрмас гул чаманим, гулбоғим, сансиз.

Бири шивирлайди: Болам, ҳой болам,  
Менинг қуёш болам, менинг ой болам,  
Оламда тенги йўқ, ҳотамтой, болам,  
Сенсан менга қанот, Шоҳтоғим, дейди.

Бир она унутиб оҳ-ноласини  
Куйлар ҳаётининг хуш наъмасини,  
Ўпиб, суйиб-суйиб ўз боласини  
Энг гўзал чоғимдир, бу чоғим, дейди.

Ешгина бир она қўшни уйда  
Гўдагин қўлларин чирмаб бўйнига,  
Меҳрли сутларин бериб кўксидан,  
Боласиз қолмасин қучоғим, дейди.

Ешлигим ўтса-да, бахтим бир жаҳон,  
Қўшиғим элим-ла ҳамоҳанг ҳамон,  
Юртда оқсоқолдир энди Сулаймон,  
Онаси гул болам, дўмбоғим, дейди. •

## ОНА ТУПРОҚ

Мен дилимда ардоқланган азиз юртим тупроғи,  
Аждодлардан ёдгордир ҳар гулшани, ҳар боғи.

Мен тупроқдан яралганман, тупроқ мендан яралган,  
Шу тупроқдан, шу меҳрдан менга ватан яралган.

Миллион-миллион муҳаббатлар ётар тупроқ остида,  
Муҳаббатлар, хуш суҳбатлар ётар тупроқ остида.

Тарих билан: нелар, кимлар қоришган бу тупроққа,  
Қанча маъсум табассумлар қоришган бу тупроққа.

Бу тупроқда бахтли, бахтсиз ётганларни ёдлайман,  
Ўзимни-да шу тупроққа номзод, дея санайман.

Хаёлимда бу дунёга шуъла сочган ҳар юлдуз  
Яшаб кетган даҳолардан кетмасликка қолган сўз.

Дунёмизни тунда кезиб юрган кўк юлдузлари  
Тупроқ ичра ётганларнинг мангу уйғоқ кўзлари.

## ҚОРАБОҒ

Шухратинг ер юзига кўпдан аён, Қорабоғ,  
Сенга шайдомап ўзим қанча замон, Қорабоғ.  
Бир қўшиқ сингари борсан ёру дўстлар тилида,  
Шўх гўзаллар ери бу, яхши макон, Қорабоғ.  
Бунда Воқиф изи бор, Нотавон руҳи тирик,  
Шу сабаб шоир учун ажиб жаҳон, Қорабоғ.  
Ҳар баҳор фасли бу кўнгилда очар гул номинг,  
Билмадим, мен сени кўрдим қачон, Қорабоғ.  
Биласан, дилда менинг жануб деган дардим бор,  
Айрилиқ захри ўлимдан-да ёмон, Қорабоғ  
Сен менинг жон, жигаримсан, юрагимсан, юрагим,  
Дейману жар соламан, жон ора жон, Қорабоғ.  
Сенга содиқ, лойиқ ўлсам, бу Сулаймон ўғлинг,  
Она қалбингдан узоқ билма, омон, Қорабоғ.



## БЕДОРЛИК

Бу кеча дилда тўлқин ишхонамга кирдим ман,  
Қоғоз сари йўл олдим бир шеър қидирдим ман,

Инсонларнинг орзуси орзум билан туташди,  
Қаламдан тушиб сўзлар қоғоз билан сўзлашди.

Мисраларим тизилди бир сафга мисли қўшин,  
Қувондим, муродимга етаман деб нақ шу тун.

Уйда ҳамма оромда, оромдадир коинот,  
Бу кеч менинг кўзимга уйқу бўлди тамом ёт.

Чекилган папирослар кулдонимда бўлди тоғ,  
Тун эриб кетди энди керак бўлмайди чирог...

Кун туғди, субҳ очилди, мен тўйиб олдим нафас,  
Тонгда шеърим шаҳарга қадамлаб кетди сарбаст...

Айвонда қаршиладим янги шеър билан кунни,  
Уйқусиз кўзлар билан ўпдим гўзал Боқуни.

## КЕЛИБ КЕТМИШ

Билурсанми, кўнгил, арзига на меҳмонлар келиб,  
кетмиш,  
Адоси-ла неча жонлар олиб жонлар келиб кетмиш.

Севилмиш, севмиш ишқи-ла бу дунёга чирой  
бўлган  
Гўзалликдан яралган нозли жононлар келиб кетмиш.

Бу тупроқдан олиб қувват, бериб унга ҳусн, давлат,  
Ҳаёт, заҳматни севган мард боғбонлар келиб кетмиш.

Даҳолар борки жисман ўлсалар-да руҳан ўлмаслар,  
Тилим бормас деярга ҳеч: бу инсонлар келиб кетмиш.

Сулаймон, ёз, ярат, зотан, аёндир сенга бу жумбоқ:  
Бу дунёга санингдек кўп сулаймонлар келиб кетмиш.

## ЛАЙЛАК ҚОР

Ёғ қор эй, саҳрога ёғ, лайлак қор эй, кел, боққа ёғ,  
Мен эмас, гулдай болам қор тўпи ўйнатмоққа ёғ!

Туҳфа этмак-чун келар авлодлар ўз ноз-неъматин,  
Сенга ўз кўксини очмиш жонажон тупроққа ёғ.

Нозли қизлар келса деб ёз чашмаларнинг бўйига,  
Қўйни бўш ўрмонга ёғ, қушлар сукути ёққа ёғ.

Кел яна гулли баҳор, дилли баҳор ишқига кел,  
Соч шаҳарга қанду парварда, кейин яйлоққа ёғ.

Бу Сулаймон дардидир ёлғиз жанубнинг ҳасрати,  
Балки кул бўлмоқ учун бағрим ёнар доғига ёғ!

## ҶИРҶОВУЛ

Ов баҳона ўрмон томон олдим йўл,  
Гўё бутун борлиқ ёпингандай гул.

Ғалабанинг мушагидай товланиб  
Кўл бўйидан учиб чиқдинг солланиб.  
Ол-алвон кўрдим сени,  
Дилга жон кўрдим сени.  
Бармоғимни олдим дарҳол тепкидан,  
Шу-шу бўлди воз кечдим овчиликдан...

## БУ — МЕНМАН

- Баҳор чоғи илҳомланиб, тўлқинланиб юрт кезган  
бу — менман!
- Хазон билмас чаманларнинг гулзорин кўркин севган  
бу — менман!
- Аждодлари чирогини сўндирмай ёқиб келган  
бу — менман!
- Ўт юракли деҳқон каби меҳнатидан бахт кўрган  
бу — менман!
- Миллатини миллатларга қардош билган, билган эш  
бу — менман!
- Ўтли юртин авлодга хос жондан севиб, севилган  
бу — менман!
- Кўкда қанот қоқиб юрган у на тарлон, на бургут  
бу — менман!
- Савалоннинг бағридаги на хаёлу на ўғит  
бу — менман!
- Яша, дея, умрини оёғидан боғлаган  
бу — менман!
- Гулхан ёқиб тоғда чўпон кўнгилларин чоғлаган  
бу — менман!
- Тоғ эмасдир туман ичра ғира-шира кўринган  
бу — менман!
- Жалаларда тўрга тушган балиқ каби уринган  
бу — менман!
- Турваларнинг изларидан мафтун қолган нигоҳли  
бу — менман!

Умрида қуш қонин тўкиб бир бўлмаган гувоҳли  
бу — менман!  
Шоир бўлиб минг кўз билан гўзалларга қараган  
бу — менман!  
Бармоқларин тароқ этиб сочларини тараган  
бу — менман!  
Бағри яра Орази-ла суҳбат қурган кўзда ёш  
бу — менман!  
Бир висолнинг ҳасратига фарёд чекиб қўйган бош  
бу — менман!  
Дастурхони ноз-неъматли, дўсту опа-сингилли  
бу — менман!  
Лола каби ол байроқли, баҳор нафас шеърли  
бу — менман!  
Табиатнинг рангларини кўзларига кўчирган  
бу — менман!  
Эй, инсонлар! Сиз-ла бирга гўзал умр кечирган  
бу — менман!  
Парвоз қилсам ою юлдуз, қуёшга қўлим етган  
бу — менман!  
Мени шоир қилган халққа иззат-ла бошим эгган  
бу — менман!

## СЕВГАН РАНГИМ

Ҳар ким севар бир рангни, шуни устун тутади,  
Қизил рангдир севганим, умрим севиб ўтади.  
Инқилобим шу рангда, китобим шу рангдадир,  
Кўнглим билан тиллашган рубобим шу рангдадир.  
Узоқ йиллар курашиб тупроғида миллатим.  
Охир кўрди шу рангни байроғида миллатим.  
Боғбон бўлсам боғчамнинг гуллари шу рангдадир.  
Юрагимнинг сайроқи қушлари шу рангдадир.  
Умрим менинг бир баҳор, на куз, қишни кутганман,  
Ўз бахтимнинг тарихин ушбу рангда битганман.  
Шу рангдайди Октябрь кунларида кўчалар,  
Шу рангдайди кундузлар, ҳатто нурли кечалар.  
Шу ранг билан чулғаниб не-не қишлоқ ва шаҳар,  
Қучди мангу шон-зафар!  
Ўзга йўлга юрмади на қўшиғим, на шеърим,  
Бошқа рангга кирмади на қўшиғим, на шеърим.  
Фидосиман шу рангнинг ўт, пионер ёшимдан,  
Фикру ўйин ололмас ҳатто ўлим бошимдан.  
Қаламим ва сиёҳим, мактабим шу рангдадир.  
Байналминал нафасли матлабим шу рангдадир,  
Булбулларим қизил ранг, чаманим ҳам қизилдир,  
Ширин жонимдан азиз Ватаним ҳам қизилдир.  
Мен кўрганман кунларнинг қорасини, оқини,  
Севгим билан кезганда бу Ватан тупроғини.  
Ҳазар каби жўш уриб,  
Ранглар ёнар нур бериб.  
Ўнгимда ол байроқлар, сўлимда ол байроқлар,  
Бутун ҳаётим бўйи йўлимда ол байроқлар!

## ИСЁН КЎТАР

*Узоқ элларнинг меҳнаткаш ёшларига*

Вужудингни эзар экан қайгу алам, асорат,  
Бас қил бундай ётмоқликни, қўзгал, тур, бу на  
қолат!

Яна офат чангал солар, ана кўриб турибман,  
Наҳот сени уйқудаю гафлат аро кўрибман!  
Қани гўзал, олов ёшлик, душманинга ҳамла қил,  
Исён кўтар, яна исён, бу курашни шараф бил!  
Руҳларингни кемирмасни у «маданий» зотлар, тур,  
Кўзларинг оч, эй қардошим, атрофга боқ, қани юр!  
Яна даҳшат тузоғини қўймоқдалар, ана боқ,  
Яна сенми қон қусарсан? Қандай даҳшат, бу эвоҳ!  
Мана бизда баҳор фасли, гул-чечагу нур, қуёш...  
Нега сенинг кўзларингдан ёш оқади, аччиқ ёш?  
Нега бойқуш яйраб юрар сенинг она юртингда?  
Ҳаққинг олмоқ ният бўлса ёш қалбингда, қаддингда,  
Оёққа тур, уни йўқ қил, ғаниматдир ҳар бир дам,  
Кўр-чи нима талаб этар сендан янги бу олам:  
— Исёнчи бўл, исёнчи бўл, исёнчи бўл беомон!  
Шарқнинг ёнган чирогини қайта ёндир, эй инсон!  
Тур, йиғлама, ёшларинг арт, қийналмасни ахир жон,  
Исён кўтар, исён кўтар, дўстларинг-ла ёнма-ён!  
Запжирларни парчалаб от, сени кутар ҳуррият,  
Исён билан, исён билан, йўл топади ҳақиқат!



## ЧАПАЕВ

Чағир тошли сойлардан елиб борар Чапаев,  
Тин бермасдан ёвларни қириб борар Чапаев.  
Шаҳар, қишлоқ, эл-элат унга мадад беради,  
У башарнинг баҳорин ўз жангида кўради.  
Йўл берингиз Чапайга чўлу қирлар ва сойлар,  
Наърасидан титрасин ларза тушган саройлар.  
Чекинмоқнинг Чапаев ўқимаган китобин,  
Қинга солмас қиличин, бас қилмайди хитобин!  
    Чапай кўчар ҳужумга,  
    Елдай учар ҳужумга.  
    Чоп, Чапайим, чонавер,  
    Ғалаба, шон тонавер!

Сен ҳам чопгин, мен чопай, у ҳам чопсин, эл чопсин,  
Шу тариқа келажак тонгларига йўл топсин.  
Унги ҳам чўл, сўли чўл, орқа-олди, атроф чўл,  
Чўллар эмас бу бари қонга беланган бир кўл.  
Чанг солади Чапаев қонга ботиб майдонда,  
Мен тураман гўёки ҳеч қўзғалмай ёнида.  
Меникидир гўёки унинг ғолиб наъраси,  
Менинг битмас ярамдир, Чапаевнинг яраси!  
Мана кўриб турибман қони ёнимдан оқар,  
Қоним унга қўшилиб менинг жонимдан оқар...  
Пулемётдан, милтиқдан ўқ сочилди ногаҳон,  
Ярадорлар қочади юзи, кўзи, эғни қон.  
Ана Чапай бошига ўқ ёғилар беомон,  
Наърасидан ларзага келар ер-сув ва осмон!

Ут ичидан шер каби чиқиб келар Чапаев,  
Яраланган! Дарёни нажот билар Чапаев!  
Сувга отди ўзини,  
У ён тикиб кўзини!  
У қирғоққа соғ-омон сузиб ўтиб олмоқчи,  
От ўйнатиб душманга, яна даҳшат солмоқчи.  
Эй тўлқинлар, тўлқинлар, унга мадад берингиз,  
Еру осмон, эрк ҳаққи унга омад берингиз!  
Ҳайҳот! Душман Чапайни кўриб қолди ногаҳон,  
Уқ ёғдирди кетидан бесаноғу беомон!  
Чапайим, мард Чапайим, менинг азиз Чапайим,  
Душманларнинг қошида чўкмадинг тиз, Чапайим!  
Чапайми, ёки сувга нурли қуёшми ботди?  
Қаердасан айт, Чапай? Наҳот бедарак кетди!  
На ўзидан жавоб бор, на дарёдан бир хабар,  
Энди уни қалблардан ахтарингиз ҳар сафар...  
Чапаевсиз қиличлар яна чиқди қинидан,  
Ғолиб чиқдик душманни қириб ташлаб инда!

Тарих унинг номини қолдирмади кўлкада,  
Минглаб-минглаб Чапайлар от ўйнатди ўлкада.  
Билинг дўстлар, юртимда мен ҳам ўлмас Чапайман,  
Керак бўлса Чапайдек ўз отимни чопарман!  
Йўқ, йўқ асло ўлмаган, Чапай менинг қалбимда,  
Чапай яна отини чопар менинг қалбимда.  
Ҳали менинг юртимда душманларнинг кўзи бор,  
Лекин билиб қўйсинлар, бу тупроқда бу ерда,  
Қуёш кулган кунларда, ёки ойдин тунларда,  
Чапаевнинг номи бор, Чапаевнинг ўзи бор.  
У жангларни кўрмади менинг ёниқ бу кўзим,  
Не қиларди у буюк кунлар учун туғилсам!  
Чапаевни ўйласам, дерман ўзимга-ўзим:  
— Шояд шеърларим билан мен ҳам Чапаев бўлсам!

## БОКУ

Эй, Ватан ўгли!  
Кўзингдир Боку, кўзимдир Боку,  
Сенинг Бокуйинг, менинг Бокуйим, бизники Боку.  
Йиллар элларга беради яна маъноли сўроқ,  
Тонглари порлоқ, кундузи порлоқ, кечаси порлоқ.  
Эй, азиз инсон,  
Фикр-хаёлинг, ақли-камолинг,  
Бир коинотдир.  
Сизгарми, айт-чи, битта қўшиқча жамолинг?  
Буюк асарни бахш этган сенга янги ҳаётдир.  
Қуёшдан аввал ўз уйқусидан мовий Ҳазарни  
Уйғотган сенсан, уйғотган менман, бизнинг ўзимиз.  
Жони-дилидан қувониб кулган гўзал шаҳарнинг  
Ижодкорисан, ижодкори ман, ижодкори биз!  
Шоирнинг шеъри, темир билакли нефтчининг нефти,  
    Ҳусни-безаги.  
    Дунё бор экан  
Тугамас унинг бойлик-давлати,  
    Қардош эллар унинг юраги  
Десам ишонинг, ҳеч кимга асло сир эмас, лекин  
Гўзалдир Боку рангсиз, бепардоз қизларни каби.  
Иссиқ қучоғи тўрт фаслда ҳам гулларга тўкин,  
Баҳор нафасли инсон умрининг сўзлари каби.  
Пойтахтимизнинг бутун давлати элнинг мулкидир,  
Ҳар хонадоннинг бахти чароғон ўзимиз каби.  
Партия унинг суянган тоғи, бахти, кўркидир,

**Партиялидир ўзимиз каби, сўзимиз каби!  
Энг юксак тоғлардан баланддир бошим,  
На бордир олтиним, на гавҳар тошим.  
Ва лекин саноқсиз дўстим, қардошим,  
Бу нодир замонда яхши ҳам борман,  
Қуёшли томонда яхши ҳам борман.**

**Душманининг кўзига тузоқдир номим,  
Онамнинг наздида гулбоғдир номим,  
Ҳасаддан, гийбатдан узоқдир номим,  
Шундай сарватим-ла яхши ҳам борман,  
Яхши санъатим-ла яхши ҳам борман!**

**«Сен кимсан?» демагил мен Сулаймонга,  
Содиқ бир фарзандман Озарбайжонга,  
Кечани, бугунни қўйгин бир ёнга,  
Унинг сабоғида яхши ҳам борман,  
Ватан паноҳида яхши ҳам борман!**

## ЯХШИ ҲАМ БОРМАН

Озарбайжонимда яхши ҳам борман,  
Сўз гулистонимда яхши ҳам борман.

Курашларда чалдим мен рубобимни,  
Қалб ичра жо этдим инқилобимни,  
Дўстларга бахш этдим ҳар китобимни,  
Бу ижод — созимда яхши ҳам борман,  
Баҳорим, ёзимда яхши ҳам борман.

Қалам тушмаяжак қўлимдан менинг,  
Шеърлар, қўшиқлар тилимдан менинг,  
Нур қолур ҳар тутган гулимдан менинг,  
Дўст, қардош эллар-чун яхши ҳам борман,  
Бахтиёр насллар-чун яхши ҳам борман!

Қўнгил, орзу тўла юракларга боқ,  
Бу чаман гулларга, чечакларга боқ.  
Боқ бу гўзалларга, тилакларга боқ,  
Бу яхши давронда яхши ҳам борман,  
Ҳар ерда, ҳар онда яхши ҳам борман.

Овозим гоҳ қирдан, гоҳ тоғдан келур,  
Минг чамандан келур, минг боғдан келур,  
Сўроғим яқину йироқдан келур,  
Дарё ҳавасим-ла яхши ҳам борман,  
Шоир нафасим-ла яхши ҳам борман.

## УМР КИТОБИДАН БИР ЯПРОҚ

Шаҳарда ҳаракат тийилган замон  
Сайрга чақирар кўчалар мени.  
Кўп яхши танийди сирдошим каби  
Кундуздан қолишмас кечалар мени.

Ижоду яратмоқ дардим, амалим,  
Айрилмас қоғоздан, қаламдан қўлим,  
Шеърү қўшиқдир танлаган йўлим,  
Биламан ёмаслик ҳеч айлар мени.

Боқаман умримнинг китобига шод,  
Миннатдор кўнглимнинг рубобига шод,  
Уйқусиз кечалар ҳисобига шод,  
Дўстларим гуноҳим кечирар мени.

Сувлари мусаффо булоқ бошида,  
Қозони қайнаган ўчоқ бошида,  
Ҳам дастгоҳ қошида, ҳам тоғ бошида,  
Эшитар ёшлару оқ сочлар мени!

## ВАТАНИМСИЗ ЯШАМАДИМ

Мен ўзимни покдомонлар дунёсида кўрурман,  
Елканимни шеър, қўшиқ дарёсида кўрурман!

Мендан яхши билган борми бу ҳаётнинг тотини?  
Қалам тутган кундан бошлаб мен Лениннинг отини,  
Қардош, сирдош эл-элатнинг ҳеч бузилмас онтини,  
Қоним рангли Октябрнинг байроғида кўрурман,  
Маъносини миллионларнинг дудоғида кўрурман.

Миллатимсиз, Ватанимсиз яшамадим дунёда,  
Қора кийиб, ўкинмади шоир отим дунёда,  
Сўниш нима билмас асло юрак ўтим дунёда,  
Чунки бахтим қўёшини маслагимда кўрурман,  
Ер юзининг ниятини тилагимда кўрурман.

Ланкаронлик, нахчивонлик, қорабоғлик дўстларни,  
Фарзанд каби Она-юртга жондан боғлиқ дўстларни,  
Байрам келса, эшиклари ол байроқли дўстларни,  
Яхши-ёмон кунларимда ўз ёнимда кўрурман,  
Ҳар бирининг ниятини дostonимда кўрурман.

Жон сирдошим, умрим бўйи мендан кулма, на инжи,  
Ёнимданмас юрагимдан ахтар ишқни, севинчини,  
Мен олтинга алишмайман тушимдаги гурунчини,  
Меҳнатимнинг роҳатини шараф-шонда кўрурман,  
Аждодимни ўйга чўмган Қобустонда кўрурман.

Эллар билар ошиғиман қўёш кўзли саҳарнинг,  
Муҳаббатим нафас олар сувларидан Ҳазарнинг;  
Ҳусни-кўркин янги-янги шаҳар қишлоқ элларнинг —  
Ватанимнинг харитасин юрагимда кўрурман,  
Она-Ерим ширасин нон — чурагимда кўрурман.



## ЖАВОБ БЕРМОҒИМ КЕРАК

Мен отаман, сен ўғил, халқимнинг қаршисида  
Ҳар бир ҳаракатинг-чун жавоб бермоғим керак.  
Байроқни тут юқори, виждонинг бўлсин тоза,  
Ор-номус, ҳайратинг-чун жавоб бермоғим керак.

Гар севмасанг ҳаётни бўлмас асло шуҳратинг,  
Эшиклари ланг очиқ қошингда саодатинг.  
Сенга пешвоз бахтиёр, кўнгли равшан миллатинг,  
Сенинг саодатинг-чун жавоб бермоғим керак.

Ширин кечган умрнинг лаззатин заҳматда кўр,  
Шон-шарафнинг энг баланд тахтини меҳнатда кўр.  
Хоҳ ишчидир, хоҳ олим, бахтини меҳнатда кўр,  
Ҳур, озод меҳнатинг-чун жавоб бермоғим керак.

Атрофингга боқ, ўғлим, ҳу узоққа боқ, ўғлим,  
Бошинг узра яшнаган ол байроққа боқ, ўғлим,  
Элу юртни ёритган нур чироққа боқ, ўғлим,  
Азминг-чун, журъатинг-чун жавоб бермоғим керак.

Йўллар юрдим наст-баланд, яхши қулоқ сол менга,  
Дорга осса унутма, қаер ватандир сенга,  
Жондан ортиқ севганим бу муқаддас Ватанга  
Буюк муҳаббатинг-чун жавоб бермоғим керак.

**Ўзинг жавоб берасан бахтинг, санъатинг учун,  
Бутун айтган сўзларим, номинг, ҳурматинг учун,  
Ўзинг жавоб берасан мангу шуҳратинг учун,  
Мен ҳам шон-шуҳратинг-чун жавоб бермоғим керак.**

**Кел, навқирон ёшлигинг елга совурма, ўғлим,  
Шон-шарафинг, номингни пуч ерга урма, ўғлим,  
Бу ҳақиқат юртида ол қўлимни, ма, ўғлим,  
Сенинг ҳақиқатинг-чун жавоб бермоғим керак.**

## СЕНИНГ ЖОНИНГ ЧҰНТАКДАДИР

Кеча сени бир суҳбатда кўриб яна жўшди қоним,  
Ақлинг эмас, чўнтагингни ағдарганча кўрсатардинг.  
Сен-ку асло уялмадинг, менинг эса чиқди жоним,  
Ҳай, демасам пулсиз ёнинг яна қанча кўрсатардинг!

Пайгамбардек сипо тортиб кериласан ҳар ерда сен,  
Одам каби яшамасдан суриласан ҳар ерда сен,  
Кўзларимга сурбет бўлиб кўринасан ҳар ерда сен,  
Маъноси йўқ шон-шарафинг ва виждонинг

чўнтакдадир,

Киши жони танда бўлса, сенинг жонинг чўнтакдадир.

Биламанки, олам иши иссиқ-совуқ бўлса керак,  
Ҳимматингни бу шоирга лозим кўрма, эй юрак,  
Берган бердим демагандак,  
Олган олдим демагандак,  
Берганнинг ҳам, олганнинг ҳам фикри зикри

чўнтакдадир,

Умид гули чўнтакдадир, доғли кири чўнтакдадир.

Кўзим билан кўрмасам ҳам зимдан ишлар

қилганингни,

Кимга бериб, кимдан яна нималарни олганингни,  
Чирик толдек ич-ичингдан чириб, адо бўлганингни,  
Қалбим билан ҳис этамай, имон йўлинг чўнтакдадир,  
Гувоҳи йўқ, исботи йўқ «ҳалол» пулинг чўнтакдадир.

Шоир кўнглим кўлдан бери ич-ичингни кўрар сенинг,  
Саломингдан, каломингдан чақа иси келар сенинг,  
Лаб-лунжинг, қош-кўзларинг, қўл-оёғинг кулар сенинг,  
Кулмасликка иложинг йўқ, муҳаббатинг чўнтакдадир,  
Маърифатинг, тариқатинг, ҳақиқатинг чўнтакдадир.

Эртанг билан ишинг йўқдир, бўлса агар фалон бўлсин,  
Биров ёниб куйса нима, фақат сенинг ёнинг тўлсин,  
Энди ғариб онанг додлаб, оппоқ сочин бир-бир  
юлсин,

Чунки эрта ўқилажак жазо ҳукми чўнтакдадир,  
Сенга ўхшаш олчоқларга низо ҳукми чўнтакдадир.

Онт ичаман сенинг билан ўтирмайман бир даврада,  
Нафасингдан йиғинларда заҳарланар тоза ҳаво.  
То азалдан вужудингда ороми йўқ дард юради,  
Сени кўрсам шоир кўнглим ғамга тўлар, эй бедаво!

Бошқа-бошқа одамлармиз, бизнинг йўлни на тўсасан,  
Бу маъноли замонада бир лаҳзали ғам-ғуссасан,  
Заҳар сочиб соф дилларга асабларни хўп бузасан,  
Лекин менинг хазон билмас навбаҳорим

қалбимдадир,

Гўзалларнинг энг гўзали шўх нигорим қалбимдадир.

Юрагимнинг дарди бўлса оппа-очиқ сўзим каби,  
Узоқ билан яқинимни тиниқ кўрган кўзим каби,  
Сўзим каби, кўзим каби, изим каби, ўзим каби,  
Ёруғ куним, ғамли куним, жаннатим ҳам

қалбимдадир,

Жондан азиз Ватаним ҳам, миллатим ҳам

қалбимдадир.

Қўй, ҳеч қачон юраксизлар кўзларимга кўринмасин,  
Орзусизлар, тилаксизлар кўзларимга кўринмасин,  
Ватаксизлар, маслакксизлар кўзларимга кўринмасин,  
Қалбимдадир ол байроқли ҳақиқатим, қалбимдадир,  
Олинмаган, сотилмаган муҳаббатим қалбимдадир.

## САНЪАТ ВА МУҲАББАТ

Номингни шеъримда олмасдим тилга,  
Агар сен бўлсайдинг ёлғиз бир ўзинг.  
Кеча мен ўй суриб кетардим йўлга,  
Афиша бетида кўринди кўзинг.

Дедимки, «во ажаб, журъатига боқ,  
Саҳнага чиқишга қилибди қарор!  
У нима истайди, у нимага зор!»  
Хаёлим чувалиб кетди ўша чоқ!

Кўзларим ўнгига келди шу замон,  
Сенд Шушинский, Жаббор, Аласкар.  
Ҳа, улар йиғину тўйда беармон  
Эл-юртга санъатдан бердилар хабар.

Муҳаббат санаът-ла эгиз туғилган,  
Уйлама, бу сўзим бир насиҳатдир.  
Биз сенинг эртанга жавобгар экан,  
Қалбимдан айтилган чин ҳақиқатдир.

Ишонки, закосиз бўлсайдинг, албат,  
Сенга бу мактубни ёзмасдим очик.  
Бу эзгу йўлларда кўрсатиб санъат,  
Йиғинлар тўрига демас эдим: чиқ!

Шоирлар юракдан ижод этар, боқ,  
Шеърига нафас-ла жон бермоғинг шарт.

**Минг-минглаб кишилар соларкан кулоқ.  
Ҳар сўзга қалбингдан қон бермоғинг шарт.**

**Бир яхши хонанда бўлмоқ учун, бил,  
Энг яхши товуш ҳам кифоя эмас!  
Лекин бу сўзимга шак келтирмагил,  
Саводсиз ижрони ҳеч санъат демас!**

**Дарвишдек бу санъат майдонин кезиб  
У ёқдан-бу ёққа бош урмоқ бекор.  
Дайдилик ташлайди санъатни эзиб,  
Охири қилади ўзингни ҳам хор.**

**Тинч ўтир, машқинг қил, ошир санъатинг,  
Юракни ёндирган нафасинг бўлсин!  
Тақлиддан нари қоч, етар қудратинг,  
Ўзгамас, ўзингнинг овозинг бўлсин!**

**Истасанг Воҳиднинг, истасанг менинг  
Замонга ҳамнафас ғазалларим ол.  
Маъносин бир-бир чақ, кўрсат ҳунаринг,  
Мухлислар қалбига сўнмас олов сол!**

**Баъзида ўқиган ғазалинг сўзин  
Сўрасак, маъносин билмайсан яхши.  
Синчиклаб тушунсанг ҳар сўз маъносин,  
Ўзинг ҳам бўласан шайдо бир киши!**

**Не бўлар, қулоққа олсанг сўзимни,  
Бу палапартишлик бас, энди етар!  
Бобом Фузулийни, Саид Азимни,  
Алоға Воҳидни ранжитдинг баттар!**

**Қофия, оҳангни, вазини бузиб  
Вечора ғазални хору зил қилдинг.**

**Оҳангга тушмаган товушинг чўзиб  
Гўёки ўзингча хўп қойил қилдинг!**

**Бу «далай-далай»лар, бу «омон-омон»<sup>1</sup>  
Синчков юракларга йўл топа билмас.  
Мақтабсиз, устозсиз хонанда, инон,  
Санъат майдонида от чопа билмас.**

**Кел, шонсиз ишлардан энди умид уз,  
Кел, ўрган бу дунё ҳақиқатини.  
Бу санъат дарёсин тубларида суз  
Ва қозон миллионлар муҳаббатини.**

---

<sup>1</sup> Озарбайжонча сийқа ашулаларга ишора. (Тарж.)

## ЖУҒРОФИЯ ДАРСИДА

Биз ҳам мактаб кўрганмиз,  
Биз ҳам бола бўлганмиз.  
Харитага боққанмиз жуғрофия дарсида.  
Шўху зийрак, серфикр, кўп нарсани билганмиз.  
«Беш» олмоқнинг илинжи ҳар бир бола кўзида.  
Уша онлар турибди кўзимизнинг ўнгида,  
Уша дарё, денгизлар, ўша қишлоқ, шаҳарлар.  
Кенг оламга кўз очган Октябрнинг тонгида  
Нурга тўлди Лениннинг байроғидан шаҳарлар,  
Ойлар, йиллар ўзгариб шу нурни кашф этади,  
Энди тамом бошқадир бу дунё харитаси.  
Бари тинчлик, ғалаба байроғини тутуди,  
Етиб келди Вьетнамга Октябрнинг садоси!  
Ўтган кунга боқамиз узоқ ўтмиш сингари.  
Замонлардан илғорлаб борар янги ҳар инсон,  
Ўзи ёшдек ва лекин оппоқ унинг сочлари!  
Баҳор каби барқ урар кўнгишларда орзулар,  
Кечаги ўй-хаёллар бугун ҳақиқат бўлди.  
Кечаги чўл, саҳрога бугун ҳаёт — сув келар,  
Она-юртим яшариб гўё бир жаннат бўлди.  
Тахнатошда илк уйлар қоматини керганда,  
Экскаватор наъра тортиб мағрур кирганда,  
Дарёлардан каналлар оби ҳаёт сурганда  
Моторларнинг наъраси ерга сингиб борганда  
Мен ҳам шунда бор эдим.  
«Балли, офарин!» дедим.



Улар очар саҳронинг жамолини, эркини,  
Ер юзида кашф этиб коммунизм кўркини!  
Мен тасаввур қиламан, чўлни бўстон этгада,  
Кунлар ўтиб бир куни нефтчилар шаҳарида,  
Опоқ сочли муаллим мактабларнинг бирида,  
Баҳор каби умримиз гулга тўлган бир замон  
Ажаб эмас ўғлимни қилса шундай имтиҳон:  
— Қорақумда юксалган янги шаҳарни кўрсат!  
Амударё нур берган янги баҳорни кўрсат!  
Шунда ўғлим қувониб,  
Кўзлари чўғдек ёниб  
Харитага чўзади ҳаяжон-ла қўлини,  
Қўрсатади ишоч-ла марди майдон элини.  
«Тахиатош бу дейди; азим шаҳар, гўзал жой».  
Боши кўкка етади севинчидан ҳойнаҳой!  
Шунда бир оз қисилиб қийиқ сифат кўзлари  
Ва лабидан учади яна шундай сўзлари:  
«Тахиатош саҳрода энг гўзал бир шаҳардир,  
Харитада акс этган нуқта эмас, зафардир.  
Отам бўлган бу ерда ғалаба бонг урганда,  
Илк гиштини усталар чапак билан терганда!

Бу жавобдан муаллим, барча мамнун бўлади.  
Ўғлим эса бу фандан албатта «Беш» олади!

## БАҲОРИМ

**Баҳор баҳор бўлмасди агар биз бўлмасайдик,  
Дунёмизда кўраман дунёсини баҳорнинг.  
Пойтахтимда ўншар байроқлар-ла байроқлар,  
Зафарлардир бахш этган зиёсини баҳорнинг.**

**Гурс-гурс юрар йигитлар юзларида табассум,  
Юракларга йўл топган сўзларида табассум,  
Эртани равшан кўрган кўзларида табассум,  
Қўшиқлардан ахтаринг маъносини баҳорнинг.**

**Баҳор бизнинг элчимиз, ҳар элда, ҳар диёрда,  
Инсонларга сўз айтар ҳар тилда, ҳар диёрда,  
Ёсин юрак сўзлари ҳар дилда, ҳар диёрда,  
Эрк севганлар тингласин овозини баҳорнинг.**

**Шонли, порлоқ кунларга йўллар очган ўзимиз,  
Қўшиғимиз нур қилиб элга сочган ўзимиз,  
Кенг, юлдузли оламни илк бор қучган ўзимиз,  
Биз ўзимиз яшнатган самосини баҳорнинг.**

**Навбаҳорим соз билан қирлар, ошар, тоғ ошар,  
Дала-тузга тилидан атир сочар, гул сочар,  
Бугунимдан сўз очар, эртандан суҳбат очар,  
Тингламаган армонда гул созини баҳорнинг.**

**Имзо чеккан баҳорим бахтимизга юракдан,  
Гулга, нурга ғарқ бизнинг беқиёс гўзал Ватан,  
Мен муйсафид шоирман, ишончим бут эртадан,  
На куз, на қиш ўчирар имзосини баҳорнинг.**

## БЎЛМАГАНДА

Янграмасди қўшигим, шеъримга жон битмасди  
Қуёш байроқли минг-минг шаҳарим бўлмаганда.  
Ҳар томонга чинордек фикрим қулоч ёзмасди  
Боку каби бир ажиб шаҳарим бўлмаганда!

Ғариб бўлиб қолардим мен бу йўллар бошида,  
Гўзал Она-юртимнинг тупроғида, тошида,  
Қоним каби қайнаган булоқларнинг қошида  
Ёзилган дастурхондан хабарим бўлмаганда!

Қора кунда ярамни қўшиқ билан боғлардим,  
Тўлқинларни тик ёриб уфқларни чоғлардим,  
Юрак сўзим шеъримга мен қаерни чоғлардим  
Озод, бахтли юраклар — дафтарим бўлмаганда!

Кўнгиллардан ўчароқ номим унутиларди,  
Юрагимга дупёнинг ғам-ғуссаси тўларди,  
Кузга қолган гуллардек қўшиқларим сўларди,  
Меҳнатимнинг сўнггида зафарим бўлмаганда!

Ёшлар соҳилда кезиб хаёлга толармиди,  
Менинг шеъримда бу куй, бу оҳанг бўлармиди,  
Гўзалларнинг кўзлари мовий ранг олармиди  
Шаҳаримнинг кўзгуси Ҳазарим бўлмаганда?!

Юрагимдан кечгани очиқ айтаман сизга,  
Ёшлигимдан шайдоман қуёш кулган кундузга,  
Тушмасдим эл оғзига, кўринмасдим ҳеч кўзга  
Уч-тўрт қоғозга тушган асарим бўлмаганда.

Байроқдори умримнинг тушмас асло тилимдан,  
Сақлар эди мени ким таҳликадан, ўлимдан?  
Гар толиқсам йўларда ким тутарди қўлимдан  
Умр бўйи Лениндек раҳбарим бўлмаганда!

Бир висолнинг дардида оғрир кўпдан бу бошим,  
Яхши билар бу сирни дўстим билан қардошим,  
Йигит каби навқирон кўринарди бу ёшим  
Ғамгин Аразга боғлиқ кадарим бўлмаганда!

Ўқурмат кўрдим халқимдан, топдим шону шуҳратни,  
Севдим жондан, кашф этдим тенгсиз гўзал ҳаётни,  
Қўшиқларга кўмардим бу чексиз кoinотни  
Бир куни сўнгги йўлга сафарим бўлмаганда.

## КОШКИ ЭДИ...

Кошки эди, зулматда инграб ётган элларда  
Қалби доғга ўтюрак, севган қўноқ бўлсам.  
Ҳаққин истаб, эрк истаб оғир жангга кирганда  
Ўқдан минг бор тешилган қизил байроқ бўлсам!

Истардимки, ҳеч лаҳзам ўтмасин бўш, ўзича,  
Таъқиблардан яшириб африкалик ўғринча  
Улуғ Ленин асарин варақларкан ҳар кеча,  
Шу китобни ёритган нурли чироқ бўлсам.

Мен шоирман, дўстлари — тинчликсевар одамлар,  
Истардимки, кечалар — денгиз қутурган дамлар,  
Тўфонларни тарс ёриб, қуроли ортмас кемалар,  
Йўлларига нур сочган юксак маёқ бўлсам!

Камситмадим умримда ким дўст бўлса, ким ўртоқ,  
Русми, ўзбек ё туркми, гуржи, латиш ё қозоқ.  
Ўташ учун бурчимни халқ олдида яхшироқ  
Кошки қайта туғилиб бир чақалоқ бўлсам!

Мен жарчиман мамнун, шод, бахти кулган авлодга,  
Мен умримни бахш этдим дўстлар билан ҳаётга,  
Бир орзум бор муқаддас, шояд чиқса бунёдга,  
То тирикман ҳамиша юзлари оқ бўлсам!

## **МОМОЛАР, БОБОЛАР УЧОҒИДАМАН**

**Кўнглимда бир дарё ажиб туйғулар,  
Яна дардли Араз қирғоғидаман.  
Кўп бўлди дийдорин кўрмаганимга,  
Жанублик дилбарнинг сўроғидаман.**

**Истардим, йўқолсин сийнамдан бу доғ,  
Қалбларни ўқисам варақма-варақ,  
Ҳар икки соҳилда эмасман қўноқ.  
Момолар, боболар ўчоғидаман.**

**Қўл ушлаб кезарман ҳақиқатим-ла,  
Юзма-юз келарман саодатим-ла,  
Дунёга сиғмаган муҳаббатим-ла  
Ўз она тупроғим қучоғидаман.**

**Туғишган онадир менга бу ерлар,  
Сизники ёзганим барча шеърлар,  
Сулаймон Рустамга кўп шундай дерлар:  
Шеърим-ла элларнинг дудоғидаман.**

## ЯНА ТЕМИРЧИХОНАДА

Яна бугун туш кўрдим,  
Усмирлик ёшим экан.  
Бошимда оқ телпагим,  
Тўшимда пешбандим бор.  
Яна босқон босаман, меҳнат бардошим экан.  
Ўчоқ ичра темирлар ёниб боқар интизор.  
Улар болга кўрмаган, ловиллайди ёнароқ.  
Учқунидан пешбандим, кийим-бошим юз ямоқ.  
Ерга тушмас қўлимдан на болгаму на гурзим,  
Шероғизу шеркўзли ўчоқ ичра бу кўзим.  
Гўё менга темирлар ёлворгандай боқади,  
Чўнг болгамнинг зарбидан ҳаёт нури оқади.  
Темир истар инсоннинг яна тушса қўлига,  
Қўшиқ бўлиб қуйилса меҳнат севган дилига,  
Элим ичра кезса у соф ниятли сайёҳдек...  
Мўрилардан дуд чиқар қалб ўртаган бир оҳдек!

Ношудликдан қўлимни лат едирсам ногаҳон  
Ўргимчакнинг уяси дори бўлар шу замон!  
Шу темирлар дастидан челақда сув қоп-қора,  
Кундан-кунга хаёлим бунда ўсар тобора!  
Шу қора сув — кўзгуда мен ўзимни кўраман,  
Еруғ, порлоқ келажак, кундузимни кўраман.  
Усталарнинг устаси бўлмоқ менинг ниятим,  
Шу ҳунарнинг отаси бўлмоқ менинг ниятим,  
Ёлвормасин, қўй, темир темирчининг қўлида,

Темир билан сўзлашдим темирчининг тилида.  
Емгир каби ёғилган учқун ичра қоламан,  
Олқиш каби уларни қабул этиб оламан.  
Яна болга ураман,  
Темирга жон берман,  
Эртамга йўл очаман шу ўсмирлик чоғимда.  
Уйғонаман... Узимни яна ишда кўраман,  
Темир шеър тоблайман темирчи ўчоғида.



## СУҲБАТ

Кечир мени, эй ҳижо, эй севимли ўлчовим,  
Шеърларнинг паноҳи, ширин тилли ўлчовим  
Эй, элимнинг ёдгори, сендан юзим бурмадим,  
Сени кулги ҳисоблаб елга асло бермадим!  
Илк севгимнинг илк марта сен тилмочи бўлгансан,  
Шеърятим мулкида тегирмончи бўлгансан.  
Айрилмадинг сен мендан на аёзда, на ёзда,  
Менга елкан бўлгансан ҳам Курада, Аразда!

Қалбимдаги севинчим, дардимга сен гувоҳсан,  
Жангу жадал сафарда бирга кезган ҳамроҳсан.  
Менга доим шириндир сен-ла тотган нон-тузим.  
Сени қари деган ким,  
Ҳеч керакмас деган ким?

Кечиб бўлмас хато бу!

Қанча кашфу ихтиро сен-ла топмиш йўл мангу!  
Сен қалбимнинг истаги, ишқи билан янградинг,  
Гоҳ ипакка, гоҳида сен темирга ўхшадинг.

Вақти келса журъатинг,

Ҳеч тугамас қудратинг

Кўрўғлининг, Набининг тилларида сайради,  
Жанг сафарда аскарнинг қўлларида сайради.  
Эй, боболар ишидан бизга хабар берган дўст,  
Видодийни, Воқифни, Аласкарни кўрган дўст,  
Бордир бошқа вазн ҳам,  
Уларни рад этмадим,

Бу улуғвор замонда ҳеч кераксиз демадим.  
Арузда ҳам ёздим мен,  
Сарбастда ҳам ёздим мен,  
Лекин сенсан севганим,  
Дема хато деганим!  
Бошқа вазилар аро сенинг ажиб ўрнинг бор.  
Ой, юлдузли кечаю қуёш ёнган кунинг бор.  
Бундан ортиқ не деяй?  
Ҳаммангиз ҳам кераксиз,  
Юрагимда қайнаган сўзларимга тираксиз.  
Доим менинг ўй-фикрим, юрагимда банд ўзинг,  
Дўстларимнинг қошида боши баланд сен ўзинг.  
Анча ёшга борсам ҳам, жанг-курашда биргаман,  
Ўйлайманки, курашда энг охири ердаман!  
Сенинг шону шуҳратинг ифтихорим, кучимдир,  
Сени кўздек асрамоқ виждон амри, бурчимдир!

## ХОТИРА

Вақт етганда,  
Куним битганда  
Мени кўминг таятанасиз севгим — она тупроққа,  
Севмаганлар четда қолсин, дўстлар ўтсин бу ёққа!  
Ниятим шу: менадан кейин ҳеч бир кимса ўлмасин,  
Дўстларимнинг дили куйиб, кўзи ёшга тўлмасин.  
Ҳаёт яна қулф урсину боғлар бўлсин сервиқор,  
Руҳим кезсин чечаклар-ла, қўлдан-қўлга ҳар баҳор,  
Номард ўлим ҳар эшикни қоқмоқликдан тийилсин,  
Бу дунёга маъно берган инсон умри чўзилсин!  
Юлдузларга бориб келсин пойгамизнинг карвони,  
Ол байроқлар чулғаб олсин эркак муҳтож дунёни!  
Шеърларимни эсга солсин Ҳазаримнинг тўлқини,  
Соҳилдаги гўзалларга гулдек кулсин ёлқини!  
Она шаҳрим гўзал Боку, яна яшнаб очилсин,  
Гўдакларнинг табассуми шафақларга сочилсин!  
Ўз қалбида тўла сақлаб меҳр тўла жонимни,  
Ёлғиз ўғлим тошга ёзсин менинг азиз номимни!

## **ВАСИЯТНАМО БИР НАРСА**

**Елғиз ўғлим, яқин кел, яхши қулоқ ос менга,  
Сўйлаб берай отамдан не қолди мерос менга.**

**Болга урди эллик йил, ясаб ўроқ... неки бор,  
Орзумиздан яралган бу давлатга эътибор!**

**Она-Ерга ҳурматим, халққа чуқур муҳаббат,  
Шудир менинг ҳеч битмас билагимда куч-қудрат!**

**Шу ҳисларсиз бирор кун яшолмасдим шу хилда,  
Шоир номим тушмасди элдан ошиб ҳар тилга.**

**Ўғлим, яхши-ёмонни кўзинг кўрсин яхшилаб,  
Мендан сенга шу мерос, оддийгина бир талаб!**

## БИР «ДУСТИМГА»

Бу маъноли ҳаётга бахш этмасанг илҳоминг,  
Қора ерга кирарсан ёруғ дунё юзидан.  
Эл-улусдан, Ватандан баланд тутсанг ўз номинг  
Ватан сени унутар, тушарсан эл кўзидан!

Юрагингинг қуртини ўзинг пайқа ва ўлдир,  
Ўзгаларнинг шуҳратин ўз шуҳратим дема, қўй!  
Қўшиқ тўқиб чиройли, ёшлик кўзларинг кулдир,  
Эрта кунга йўл очсин дилингдаги яхши куй!

Санъат деган чўққига номсиз кетиб, ном-ла кел,  
Бу йўлларда заҳмат бор, бу йўлларда олқиш бор.  
Аста юриб кетсанг ҳам қанот билан қайтиб кел,  
Унутмагил, бу йўлнинг баҳори бор, қиши бор.

Уйқуни қув, уйқуни, бу уйқучан кўзингдан.  
Ватан учун, эл учун эрит дилинг шам каби.  
Кўзинг айри тушмасин олов сочган сўзингдан,  
Шеъринг кезсин элларни шарбат тўла жом каби!

Гунча очсин қўшиқлар шоир дудоқларингдан,  
Ишқинг тўла боқчангга баҳор саломга келсин!  
Кел, кел, умринг китобин жонли варақларида  
Замон нафаси елсин!

## НАСИҲАТ

Қуёшлик йўлларнинг йўлчиси, ўғлим,  
Халақит бермайди бўрон, қор сенга,  
Бу ҳунар майдони ичра отинг сол,  
Оқ йўллар тилайди бу диёр сенга.

Бу озод Ватанинг дунёда битта,  
Исминг ҳам ўзингдек гўзал, албатта.  
Гул-чечак барқ урган йўлинг кенг, катта,  
Рашк қилса ажабмас илк баҳор сенга.

Умрингга боғладим азиз умримни,  
Олурсан бир куни менинг ўрнимни,  
Ўтнафас куйимни, олов шеъримни  
Юракдан қилганман эътибор сенга.

Сен кўнглим илҳомин дўсти, ҳамдами,  
Отанинг дунёда бўлмас дард, ғами,  
Сен сурган кеманинг бўлмаса ками,  
Тўфонлар бош эгар неча бор сенга.

Ватанга боғлансин юрак қилларинг,  
Бўш, бекор турмасини ишчан қўлларинг,  
Фидойи дўсти бўл, бу дўст элларнинг,  
Эсда тут, бу сўзим чин ёдгор сенга.

## **СЕВАМАН, СЕВМАЙМАН**

**Севаман юртимнинг бахт амалини,  
Эртанинг ишини ҳақ билганларни,  
Бу дўстлик боғидан ўт, тиканларни  
Илдиздан қўпориб тик юлганларни.**

**Севмайман меҳнатсиз асал еганини,  
Шол ўраб, керилиб ипак кийганини,  
Қорани атайин ошпоқ деганини,  
Отага, онага юк бўлганларни.**

## ОДДИЙГИНА ШОИРМАН

Баъзан мендан сўрашар:

— Айт, деб, улкан ёшингда

Нега тинмас қаламинг ижод қилиб қошингда?

— Халқ, Ватанин шайдоси шоир ахир тинарми,

Қизил байроқ фидоси шоир ахир тинарми?

Йўли ҳақиқат йўли, оддийгина шоирман,

Кўкрагида ишқ гули, оддийгина шоирман.

Уйлайманки, азизлар,

Яхши билар эл, Ватан,

Ўз ўрнида ғам чеккан,

Ўз ўрнида шод-хандон,

Ўз ўрнида бешафқат,

Ўз ўрнида навқирон,

Кўнгли очиқ, юзи оқ оддийгина шоирман.

Тани жони доим соғ, оддийгина шоирман.

Колхозчига колхозчи,

Ишчига мен ишчиман,

Болаликдан ёд олдим бу шарафли бурчни ман,

Не-не миллат ўғли-ла бирга қоз-туз ушатдим,

Дўст қўлига қўлимни доим мамнун узатдим

Ва шаънига сўз айтган оддийгина шоирман,

Не-не элдан соғ қайтган оддийгина шоирман.

Баланд кекса тоғларда

Зарур бўлган чоғларда



Сигаретин чақмоқдан дадил туриб ёндирган,  
Булутларнинг галасин ўз ортида қолдирган,  
Ҳеч чарчамас бир йўлчи — оддийгина шоирман.  
Юксак тоғлар таянчи — оддийгина шоирман.  
Аччиқ-аччиқ сўз айтдим бу йўлдан озганларга,  
Ёлғон-яшиқ, туҳматдан алжишиб ёзганларга.  
Менинг шоир бу қалбим тўғри йўлдан тик юрди,  
Темирчидек сўзларин ўт ўчоқда қиздирди,  
Болға билан тушириб,  
Обдан уни пишириб  
Маъносини оширган оддийгина шоирман,  
Эртани тиниқ кўрган оддийгина шоирман.

## ТАНҚИДЧИ ДУСТИМГА ОЧИҚ ХАТ

Ўқи ушбу хатимни, эй танқидчи, қўлга ол.  
Кўпи ёқмас сўзимнинг қулоғингга, эҳтимол  
Кел, ҳақингда бир марта шоир фикрин сўйласин,  
Гарчанд оғир ботса ҳам, бир оз танқид айласин.  
Танқидчилар ичида анча-мунча дўстим бор,  
Улар бизга сафардош,  
Бўлган доим устивор.  
Мен танқидчи эмасман,  
Очиқ гапни десам ман:  
На колхозда бўлгансан,  
На бир конда бўлгансан,  
Ол бўйнингга, ҳаётдан тамом четда қолгансан.  
На бўронлар кўргансан,  
На бир ҳижрон чекдинг сен,  
Она-Ватан боғида на бир ниҳол экдинг сен.  
От ўйнатиб тоғларга бирон марта чиқмадинг,  
Ундан ҳар ён боқмадинг.  
На бир<sup>ро</sup> боғдан, чамандан гулу чечак тергансан,  
Фақат кўзинг китобга эртаю кеч бергансан.  
Биламанки, бир умр эшитмаган қулоғинг,  
Товушини, куйини турна кўзли булоқнинг.  
Ватандошдек айланиб Она-юртни кезмадинг,  
Қон-қардошлар боғидан олма, узум узмадинг!  
На баҳорда, на қишда бир очилиб юрмайсан,  
Билмайсанки, ҳар ишда доим ҳақли эмассан.  
Энг яхши бир адибнинг ерга уриб санъатин,

Шу йўсинда оширмоқ бўлдинг пону шуҳратинг!  
Тўрт деворли хонайдан ҳеч ташқари чиқмайсан,  
Бошинг олиб китобдан атрофингга боқмайсан.  
Қўлларингга тушганда бир шоирнинг дафтари,  
Ёзибсанки, «фалончи юриб ҳаётдан нари!  
Шоир бизнинг ҳаёти ўрганмабди чуқурроқ.  
Ҳали кўкдан тушмабди, ҳали ердан кўп йироқ.  
Ҳа, менингча, тили ҳам бошдан-оёқ кўҳнадир,  
Аслида бу қофия, бу оҳанг баҳонадир!..  
Бундай эмас колхозчи,  
Нефтчиси ҳам бўлмабди,  
Билмаганин у нега менадан сўраб олмабди!  
Колхозчию нефтчининг йўл топмабди қалбига,  
Уйдирмалар тўқимоқ нега керак, хўш, нега?!»

Эй, танқидчи, сен инон,

Сўзимга қилма гумон,

Шундай қилдинг «донолик» ўз умрингда кўп, бироқ.

Бирон кимса солмади сўзларингга ҳеч қулоқ!

Унутмагил ҳеч қачон

Бу шеърлар бермас жон:

Унда баҳор саси бор,

Инқилоб нафаси бор!

Маслаҳатим шу сенга:— вақтинг ўтар, ёш кетар,

Ибрат олган замондан кунда янгилик кутар,

Ҳали унча кеч эмас, кўзинг очиб, бардош-ла

Аввал ҳаётни ўрган, кейин танқидни бошла!

## НОН-ТУЗИНГ НАРИГА ИТАРМА

Менимча, инсоннинг кўрки, шарафи  
На ипак киймоқдир, на форма, ўғлим  
Яхшидан яхши бўл эл орасида,  
Дўстингдан ҳеч маҳал юз бурма, ўғлим!

Ўринсиз йиғлама, ўринсиз кулма,  
Кўнгилни қолдириб, дилозор бўлма,  
Нотаниш одамга сир бериб юрма,  
Тилингда ёлғон сўз келтирма, ўғлим!

Бу умр қанотли ўтару кетар,  
Ҳар инсон заҳмат-ла камолга етар,  
Боғида наргизу лолалар битар,  
Тикану алафга йўл берма, ўғлим.

Орзуга лиммолим бу шоир дили,  
Иш, ҳунар майдони бу ҳаёт йўли,  
Қисқадир иш билмас одамнинг қўли,  
Сўз бериб ўзингдан, лоф урма, ўғлим!

Ўқигил ёзганим сатрма-сатр,  
Суҳбатда тилингда сочилсин атир,  
Молу мулк, бойлигинг нарига итар,  
Нон-тузинг нарига итарма, ўғлим!

## ДЕНГИЗДАГИ ШАҲАР

Темир оёқлар узра турар мағрур Ҳазарда  
Боку нефтчиларининг бунёд этган бу юрти.  
Бахтиёрдир ҳар киши бу қаҳрамон шаҳарда,  
Бу ажойиб шаҳарни санъат билан у қурди.

Неча баҳор, неча қиш кечди шаҳар бошидан,  
Неча ўғил, неча қиз бу шаҳарда туғилди.  
Меҳмон келса бу юртнинг ҳайрон туриб қошида  
Ҳусни билан юраги нурга тўлди, йўғрилди.

Нефтчиларни чўчитмас на Ҳазарнинг тўлқини,  
Уввос солиб, ҳайқариб, чимириб қошларини.  
Уфқ узра ёйилар тонгдан қўёш ёлқини,  
Мард нефтчилар олқишлар гўзал «Нефт тошлари»ни.

Тилдан-тилга тушгандир қўшиқ каби доврўғи,  
Қаҳрамонлар номини тарих ёзган зар билан.  
«Нефт тошлари» қалбимнинг истагидир, ёруғи,  
Яна ёздим бир шеър!  
Қани, юксал, кўлкалан!

## ЗАНЖИ ШОИРАСИ СЕСИЛГ'А

Оҳ, бунчалик ўт бўлмаса занжиларнинг гўзали,  
Уни кўрдим Тошкентда мен, кўз олдимда у ҳали!  
Ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмас чақмоқ кўзлари,  
Оқ соянгман, қора гўзал!  
Бунча ширин сўзлари!  
Энди билдим бу табиат сени қандай бор этган,  
Адашмасам, сени гўзал табассумдан яратган!  
Қора гўзал! Эй, қора қиз, бахтнинг қаро бўлмасин,  
У қаро кун ёруғ бахтнинг ҳеч сўроқлаб келмасин!  
Сен Тошкентда эрта билан рўпарамдан чиққанда  
Азиз номинг садо берар юрагимдан жўш уриб.  
Дўстинг каби қўлларингни қўлга олиб сиққанда  
Бир ажойиб ҳис кезади вужудимда ҳайқириб:  
— Оқ кунларинг шу қора қўл кучи-ла барқарор,  
Учи билан барқарор!  
Зафар қучдинг нурли, порлоқ.  
Қора кунлар кечаги,  
Қора лабда барқ уради ёруғ кунинг чечаги!



Қони билан ёзган голиб достонини ёдга олинг!  
Олчаларнинг оппоқ гули қордек бўлиб очилганда,  
Кўнгил қуши юксакларда бургут каби тик учганда,  
Узумларнинг юзларига хол тушганда,  
Ҳеч фарқи йўқ хоҳ сешанба, хоҳ душанба  
Қиздирганда тупроқларни жануб ели,  
Қатра-қатра томганида анжир боли,  
Жангу жадал йўлларида юрганларни ёдга олинг,  
Душманларни қон-қақшатиб урганларни ёдга олинг!

Бокудами, Ланкаронда  
Кўк сувларга тўр солганда,  
Еллар келиб шиширганда елканларнинг ёноғини,  
Кеча-кундуз қуш қанотли оқ тўлқинлар  
Учиб келиб ўпганида соҳилларнинг оёғини,  
Юз-қўлини ювганида нурга чўмиб тик қоялар,  
Қичқирганда денгизларнинг ўз шоири —  
чағалайлар,  
Қачонлардир бу ерларда кезганларни ёдга олинг!  
Яхши кунлар режасини тузганларни ёдга олинг!

Эй, қип-қизил галстукли пионерлар,  
Ватан қизи, Ватан ўғли, қалби шерлар,  
Мактабларда имтиҳонлар бошланганда,  
Фикр қайнаб, ҳаяжонлар бошланганда  
Узингизни қўлга олинг,  
Онтингизга содиқ қолинг!  
Қонли жанглар борган кунда,  
Ўз дардини қилиб канда  
Имтиҳондан юзи ёруғ чиққанларни ёдга олинг!  
Фашизмнинг шум саройин йиққанларни ёдга олинг!

Дарахтларнинг соясида суҳбат қуриб ўтирганда,  
Кабоб учун манқалларга ўт терганда,  
Боғчаларнинг илк меваси тотган онда,  
Қадаҳ тутиб соғлиқ учун оқ урганда,



Қизил гуллар дарёсидан шоир каби сўз топганда,  
Фарзандингиз қошингизда ўйнаб-кулиб гир чопганда  
Ёнингизда кўринмаган одамларни ёдга олинг,  
У номларни ёдга олинг!

Хонангизнинг калитини қўлингизга олган замон,  
Севинч билан қулф ичига солган замон,  
Она-юрти, миллатини унутмаган,  
Боболарнинг ғайратини унутмаган,  
Мармар тошсиз қабрлари билинмаган,  
Муҳаббати юраклардан шилинмаган,  
Ўз юртидан узоқ тушган ўғилларни ёдга олинг,  
Кўзимиздан йироқ қолган ўт дилларни ёдга олинг!

Абшеронми, Шамахими, Қорабоғми, Нахчивонда,  
Ватанимдек бир маконда  
Бахт-саодат баҳоримни сайр этганда,  
Турналарнинг сафларига кўз тутганда,  
Тинглаганда биллур қўзли булоқларнинг қўшиғини,  
Табассуми шеърга снғмас дудоқларнинг қўшиғини,  
Сўнгги онда «Ватан!» деган, «Она!» деган  
Ўғилларни ёдга олинг,  
Оналари «Болам!» деган, қора кийган,  
Ўғилларни ёдга олинг!

Навбаҳорнинг илк оқшоми,  
Ранг-баранг мушаклар шаъми  
Ёниб кўкни этганда равшан,  
Дунёмизга айтиб шараф-шон,  
Дарангиздан учиб кетган бургутларни ёдга олинг,  
Кўчиб кетган бургутларни ёдга олинг!  
Йигит қизни, қиз йигитни суйган чоқда,  
Юраклари муҳаббатни туйган чоқда,  
Қизнинг нозик бармоғига тилла узук таққанида,  
Бир-бирига ҳеч тўймасдан боққанида,  
Камончага торнинг тили уйғун бўлиб кетганида,

Ернинг сўзин шўх оҳанглар ютганида,  
Шу онларни жондан севиб,  
Жон бергани ёдга олинг,  
Кеча-кундуз намдан ивиб,  
Ёв қиргани ёдга олинг!  
Сизга олов келтиргану  
Ўзи яхлаб қотганларни ёдга олинг  
Ва муқаддас замин аро ётганларни ёдга олинг!

Эй, оналар, эй, сингиллар, эй, оталар, эй, ўғиллар  
Шаҳидларнинг қони билан қизаргандир бу кенг  
йўллар!

Улар Ватан шуҳратини қўриқлади,  
Буюк совет давлатини қўриқлади.  
Умр бўйи улар бўлар ёнимизда,  
Она-Ватан қучоғида,  
Меҳри мудом жонимизда.  
Эй, ёш авлод, насллар,  
Ўтган сари ой-йиллар  
Шум ажалнинг кўзларига журъат билан боққанларни  
ёдга олинг,  
Мағрур туриб ёв бошида қовли чақмоқ чаққанларни  
ёдга олинг!

Келганида Ғалаба куни,  
Тарқалганда оқшом тутуни,  
Кўкни нурга кўмганида Ғалабанинг мушаклари,  
Гўё дейсиз улар бари бир чаманнинг чечаклари;  
Лаблар узра қўйганида нурга тўлиб табассумлар,  
Юракларга завқ-шавқ солиб сайраганда олов симлар;  
Сиздай яшнаб, ўйнаб-кулиб юрганларни ёдга олинг,  
Эл қадрини жондан азиз кўрганларни ёдга олинг,  
Эл ичида азизлардан азизларни ёдга олинг,  
Қалби тоза, нияти соф, пок сўзларни ёдга олинг!  
Эй кишилар! Аста кезинг замин узра баҳор чоғи,  
Бу заминда кўзим юмган минг-минг ботир юрак  
ётар.

Йўқ, йўқ, ҳали битмагандир оналарнинг қалб доғи,  
Замин аро ётганларнинг ниятлари ҳаётдадир!  
Эй, кишилар! Қулоқ солинг, фикр беринг сўзларимга,  
Қурбонларни эслаганда уйқу келмас кўзларимга!  
Боғу роғда, чаманларда сизлар кўрган гул-чечаклар,  
Қалбингизнинг дарди бўлган ул чечаклар,  
Шу заминда ётганларнинг орзусидир, тилагидир,  
Ҳайкал бўлиб қотганларнинг орзусидир, тилагидир.

Эй, кишилар! Ер юзида яна «қон-қон!» деганлар бор,  
Жудоликнинг ҳасратида ёниб қора кийганлар бор.  
Чиқмасданоқ бўғиб ташланг урушқоқлар садосини,  
Энди башар ҳеч кўрмасин бу номардлар балосини!  
Эй кишилар, ҳушёр туринг,  
Ҳушёр туриб, дадил юринг!  
Еру кўкнинг тинчин бузган тўфонларни ёдда тутинг,  
Бу башарни халос этган мард жонларни ёдда тутинг!  
Ёдда тутинг, ёдда тутинг.  
Яна қайта ёдда тутинг!  
Эслаб-эслаб ёдда тутинг ва албатта ёдда тутинг!

## БОҶДИМ

Ўзимдан олдинроқ йўл олганларнинг  
Бўй-басти, жамоли, изига боқдим.  
Ватану халқимнинг оғир кунда  
Журъат-ла ажалнинг кўзига боқдим.

Сайр этиб юртимнинг кенг гулзорини,  
Хазонсиз, абадий гул баҳорини,  
Бахтиёр насллар шон, виқорини,  
Билдимки, бахтимнинг юзига боқдим.

Ёнидан ўтмадим майхоналарнинг,  
Меъмори аталдим косоналарнинг,  
Сўзига боқмадим бегоналарнинг,  
Ўз шоир қалбимнинг сўзига боқдим.

## **БАҲОР ЮРАГИМДАДИР**

**Бу тенги йўқ, бу гўзал  
Диёр юрагимдадир.  
Дунёларча севганим —  
Нигор юрагимдадир.**

**Мен билдимки, тўзмаган,  
Салобатин бузмаган,  
Ҳеч бир чўққи ўзмаган  
Виқор юрагимдадир.**

**Мени ёшдек сақлаган,  
Бу юрт-элга боғлаган,  
Дарё бўлиб чоғлаган  
Қарор юрагимдадир.**

**Иўли нурли ва порлоқ,  
Мол-давлатли бесаноқ,  
Истиқболи яна оқ  
Ашъор юрагимдадир.**

**На тўфондан қўрқаман,  
На ҳижрондан қўрқаман,  
На хазондан қўрқаман,  
Баҳор юрагимдадир.**

## ЕДИМГА ТУШДИ

Хотира дафтарим турар қошимда,  
Ажиб бир савдо бор менинг бошимда,  
Гўзал Қорабоғда йигит ёшимда  
Бир қизни севганим ёдимга тушди.

Кездим Қорабоғни қўлим қўлинда,  
Бориму йўғимни кўрардим унда,  
Бу шоир қалбим-ла унинг йўлинда  
Минг кўйга тушганим ёдимга тушди.

Кўнглимнинг орзуси, тилаги эди,  
Нозли малакларнинг малаги эди,  
Умримнинг ишонган тираги эди,  
Унга онт ичганим ёдимга тушди.

У хабар бермасдан кўчди овлоққа,  
Кўзларим нигорон, кетди йироққа,  
Қалбимда илк яра, ёр кетган ёққа  
Кетидан кўчганим ёдимга тушди.

Учди бир каптардек ишқим қўлидан,  
Исми бу ошиғин тушмас тилидан,  
Исо булоғида унинг қўлидан  
Сув олиб ичганим ёдимга тушди.

У мендан узоқда кезди хиромон,  
Айрилиқ ўлимдан ёмонмиш, ёмон!  
Ҳар куни эшиги остидан нолон  
Оҳ уриб кечганим ёдимга тушди. •

## ОЁҒИМ ЭМАС

Кўнглимда бир олам орзу ва ҳавас,  
У тутун бурқсиган ўчоғим эмас,  
Бошларим минг тошга урилди, лекин  
Севгилим, бу чоғим, у чоғим эмас!

Номинг-ла безалди умр китобим,  
Ҳажрингда тўзмади бардошим, ҳобим,  
Бўҳтону ғийбатга йўқ менинг тобим,  
Юраги қуртлилар қўноғим эмас!

Эшигим қоқади айрилиқ фақат,  
Сенингсиз не керак бу боғ, бу улфат,  
Севгимдан қўшиқлар қилсам қироат  
Бу севган кўнглимдир, дудоғим эмас!

Биласан, жонимдан севаман сени,  
Оҳ, нега туширдинг эшик пардани,  
Деразанг тубига келтирган мени  
Севган юрагимдир, оёғим эмас.

## У ЧОҒЛАР

Умримнинг ёшлиги қолди орқада,  
Жон олиб, жон берган санамлар, кетди.  
Жонопнинг жонига жон қурбон деган,  
Чекканим аламлар, ситамлар кетди.

Севгилим, бахтимни кўриб исмингда  
Йўлингни кўзлардим, борми эсингда?  
Ёмғиру қор каби эриб кўзингда  
Кетди у соатлар, у дамлар кетди.



## ШИРИН ХОТИРА

Кўнгил қўйдим ёшликда Ҳазар кўзли бир қизга,  
Саҳар кўзли бир қизга!  
Гул очганди ўшанда биринчи муҳаббатим,  
Ёдимдадир у қиз-ла тонг отгунча суҳбатим.  
Ҳар бир сўзим қалбимдан тўлқин уриб чиқарди,  
Эшигига етганда кўзим хомуш боқарди.  
Ёдимдадир суратин кўзимда қолдирганим,  
Севгисини жонимдек ўзимда қолдирганим.  
Уша қизга қизил гул берганим ёдимдадир,  
Ёқасига таққанин кўрганим ёдимдадир...  
Ёдимдадир қалбимга илҳом солган сўзлари,  
Кўзларимга кўз тиккан у самовий кўзлари!  
Кетиши ёдимдадир,  
Келиши ёдимдадир,  
Баҳордан ҳам минг гўзал кулиши ёдимдадир.  
Бу савдога, азизлар, неча йиллар ўтибди,  
Бошимизни оқ нурлар энди бутун тутибди.  
Назаримда ўша гул ҳамон ёқасидадир,  
Оҳ, айрилиқ онлари, йиллар орқасидадир!

## **СЕНИ СИРА БЕРМАЙМАН**

**Дийдорингни кўрмадим — йиллар келиб ўтишди,  
Бахтимни кўр, ниҳоят висол уни етишди!  
Майли билсин билмаган, сени топдим қидириб,  
Айрилиқнинг қўлидан олдим юлиб, сидириб!**

**Энди юрагимдасан,  
Инон, тилагимдасан,  
Энди ҳижрон қўлига сени сира бермайман,  
Сени сира бермайман, бериб қараб турмайман!**

## НОМИНГНИ ЁЗГАНМАН

Севгилим, демагил мени бевафо,  
Элайман ҳар куни, ҳар бир он сени.  
Қалбимдан бир лаҳза қўзғата олмас  
На бўрон, на тўфон, на ҳижрон сени!

Истайман, хуснингни гулшанда кўрсам,  
Кўнглимга ҳасратинг тушганда кўрсам,  
Бу мангу онамиз Ватанда кўрсам,  
Кўрмайин паришон, бағри қон сени!

Номингни ёзганман тик қояга мен,  
Тушибман ишқ номли кенг дарёга мен,  
Сен учун келганман бу дунёга мен,  
Мен учун яратган бу жазон сени.

## **БУ СЕНИНГ ЮРАГИНГДИР**

**Кўп йилдирки кўксимда сўлмаган бир чечак бор,  
Бу сенинг чечагингдир, бу сенинг чечагингдир.  
Гўзаллик оламида гўзаллик ахтарурман,  
Бу сенинг тилагингдир, бу сенинг тилангингдир.**

**Юрагим ҳасратингдан ўт олиб туташганда,  
Севгилим қўрқаманки, жон қолмас деб бу жонда,  
Сийнамда бир покиза ҳис туяман шу овда,  
Бу сенинг билагингдир, бу сенинг билагинг!**

**Ёлгон билан чиркинлик кирмайдиган бир уй бор,  
Эшигини қоқмайди на бир бўрон, на бир қор.  
Бу сир қолсин ўз орамизда, эй гўзал нигор,  
Бу сенинг юрагингдир, бу сенинг юрагингдир!**

## **ЮРАКСИЗ БОРМА**

**Севганинг гўзалнинг илк ваъдасига  
Қувона-қувона чечаксиз борма.  
Илк ваъда — севгининг илк қўшиғидир,  
Чечаксиз борсанг ҳам, юраксиз борма.**

## **ЁНМАСИН СИРА**

**Бу гўзал давроннинг гўзал қизлари  
Айрилиқ ўтида ёнмасин сира.  
Ҳаётни бир эрмак, ўйинчоқ билиб,  
Арғимчоқ сингари солмасин сира.**

**Ватанин, миллатин қадрини билсин,  
Вақтида йиғласин, вақтида кулсин,  
Ким айтди севмасин,— севсин, севилсин,  
У гулдан бу гулга қўнмасин сира!**

## **СЕНИ СЕВМАСАЙДИМ**

**Яшамасдим, кўз юмиб умрим елга кетарди,  
Мени дунёлар қадар севгани севмасайдим.  
Айрилиққа бунчалик беролмасдим ҳеч бардош,  
Мен сени севмасайдим, мен сени севмасайдим!**

**Шўх Араз соҳилига кунда келолмасдим ҳеч,  
Ҳаётимда бир марта тўйиб кулолмасдим ҳеч,  
Сени дунёлар қадар сева билолмасдим ҳеч,  
Ватанни севмасайдим, Ватанни севмасайдим.**

## НЕГА ДИЛ БЕРДИНГ?

Дейсанки, «Севмайман, четлан йўлимдан!»  
Утган йил, бас, нега менга дил бердинг?  
Илк баҳор чоғида қаршимдан чиқиб,  
Қизариб-бўзариб нега гул бердинг?

Кел, ўқи, ишқимнинг жон китобини,  
Сянаб кўр ошиғинг юрак тобини,  
Бир маҳал эшикнинг тутиб сопини  
Гул тўла боғчангга нега йўл бердинг?

Мен кимдан сўрамай шу унинг гапи:  
Сен ўзинг биргина дардим табиби!  
Севмасанг айт нега, хотира каби  
Шу ипак сочингдан бир тола бердинг?



## СЕНСАН

Қуёшга рўбарў турган саодатим сенсан,  
Атирли гул-чечаксан, жонли сарватим сенсан,  
Бутун гўзаллари саф-саф тизилса дунёнинг  
Бу кўнгил дерки, ягона муҳаббатим сенсан.  
Сенинг-ла кечди гўзал кунларим, дақиқаларим,  
Дилимдан куй қилиб айтган ҳақиқатим сенсан.  
Яна мен, Табризим, келдим, вафодоринг қабул эт,  
Ўзинг яхши билурсанки, шон-шуҳратим ўзингсан.

## **ҚҰЙ, СЕВМАСИН**

**Кечди ёр мевдан ниҳоят, севмаса, қўй, севмасин,  
Айламас кўнглим шикоят, севмаса, қўй, севмасин.**

**Айтмасин жонон унинг-чун кўзларим қон ёш тўкар,  
Топмагум ёрсиз саодат, севмаса, қўй, севмасин.**

**Бир буюк ошиқдан ўргандим ҳаётда кўп замон,  
Ёрга етмас илк муҳаббат, севмаса, қўй, севмасин.**

**Етказинг, дўстлар, вафосиз дилбара бу ниятим,  
Чекмасин элдан хижолат, севмаса, қўй, севмасин.**

**Шеърга берди кўнглини шоир Сулаймон Рустамий,  
Кутмади бир ўзга шуҳрат, севмаса, қўй, севмасин!**

## ҲИСОБГА УТМАСИН

Уйлар эдим, сенингсиз менинг яшашим гумон,  
Шунча қилдим қалбимни тарк этмадинг бирон он.  
Кечалари кўзимдан ширин уйқим чекилди,  
Бу нигорон кўзларим, йўллариингга тикилди.  
Дард-ҳасратинг ўқидим китобдек варақ-варақ,  
Аскар каби кўчангдан юрдим у ёқдан-бу ёқ.  
Нозик шохлар баримдан гоҳо тутиб қоларди,  
Шарпа ўтса кўзларим, сенми, дея қарарди.  
Бу интизор кўзларим йўлинг кутиб толибди,  
Кел, бу ҳижрон селининг йўллариини тўсайлик,  
Бир-бирова япроқдек интилганча эсайлик!  
Номимизни кимсалар ҳиссиз тошга битмасин,  
Сенсиз ўтган кунларим ҳеч ҳисобга ўтмасин.

## **БИЛМАДИНГ СЕН ҚАДРИМНИ**

**Билмадинг сен қадрими, эй нозли жонон, билмадинг,  
Чекди минг дард, минг жафо ҳажрингда бу жон,  
билмадинг.**

**Билмадинг сен йўқлигингдир қалбима ўтлар ёқиб,  
Бағрими доғ-доғ этган ҳижронни, ҳижрон  
билмадинг.**

**Севги дунёсида мен ҳеч вақт вафосиз бўлмадим,  
Умрими бердим сенинг шаънингга қурбон.  
билмадинг.**

**Муҳаббат тахтида фармон берди ҳар кун айрилиқ.  
Жон уйида эсди еллар, турди тўфон билмадинг.**

**Ўт олиб ёндим Карамдек, боқмадинг ҳеч ҳолима,  
Билмадинг, сенсиз қолиб кулмас Сулаймон,  
билмадинг!**



## КУР

Эй, кўнгил, жўш уриб шонли давронда,  
Бахтини нур ичра кўрганларни кўр!  
Ҳар кун илчилмас қаҳрамон каби  
Кўксини зафарга келганларни кўр!

Гулзорин жамоли гўзалларга боқ,  
Олқишла уларни, нияти порлоқ...  
Бир-бирин қўлларин ушлашиб қувноқ  
Гулшанда гул-лола терганларни кўр.

Эй, кўнгил, сайр этиб юрт баҳорини,  
Қуёшга хабар қил бахти, корини,  
Наинки сўзини, бутун борини  
Онамиз Ватанга берганларни кўр!

Дилимда қўшиқдир бу сўз, бу хабар,  
Инсонга фазилат меҳнату зафар.  
Бир санъат кўрсатса ҳар кун, ҳар сафар,  
Ғалаба бонгини урганларни кўр!

Эй, кўнгил, яна бир сўз айтдим, мама,  
У оғир кунларинг эсга ол яна.  
Эрта деб, ҳаёт деб мағрур, мардона,  
Ажални кўз билан кўрганларни кўр!

## НЕВАРАМ ҚҰЁШГА ХАТ

Ҳаётда таянчиқ, азиз Қуёшим,  
Виждонинг, номусинг, ғайратинг бўлсин!  
Оқсоқол бобонгнинг сўзини эшит,  
Кураш, ён, эл ичра ҳурматинг бўлсин!

Қалбимнинг қайноғи бўлсин дилингда,  
Бу номим — шарафим бўлсин тилингда,  
Аскардек қадамнинг бўлсин йўлингда,  
Довонлар ошмоққа қудратинг бўлсин!

Кўнглингни бу она-Ватанга боғла,  
Ҳақсизлик кўрдингми, янч ва пачоғла,  
Менинг бу сўзларим ёдингда сақла,  
Бу шонли йўлларда журъатинг бўлсин!

Дўстга муҳаббатни бобонгдан ўрган,  
Душманга нафратни бобонгдан ўрган,  
Лаззатли суҳбатни бобонгдан ўрган,  
Ҳар уйда, ҳар ерда суҳбатинг бўлсин!

Зеб-зийнат тортмасин кўзинг нурини,  
Елга бер мол йиғмоқ, дайди фикрни,  
Хуш тилак, орзулар олсин ўрнини,  
Муқаддас интилиш, ниятинг бўлсин!

Қуёшим, қалбимнинг сасини эшит,  
Сулаймон бобонинг сўзини эшит,  
Ҳали тирик экан, ўзини эшит,  
Аммо эшитмоққа санъатинг бўлсин!

## ДУДОҚЛАРДАДИР...

Бу Ватан тупроғин шарбати, атри,  
Чаманга буркалган гулбоғлардадир,  
Бахтиёр халқимнинг сўнмас виқори  
Кўкларга бош урган бу тоғлардадир.

Ёш ўсиб борса ҳам, эллар, эй эллар,  
Паришон эмасман, билсин насллар,  
Умримнинг давоми маъноли йиллар  
Болалар қалбида — у чоғлардадир.

Бу гўзал давронни тўймаганларнинг,  
Бирор бор ғиштга ғишт қўймаганларнинг,  
Ҳасад шаробига тўймаганларнинг  
Даҳшати, гуноҳи оёқлардадир.

Баъзи шоирларнинг йўқдир ўз сўзи,  
Бор-ку Вургуннинг ўз нафаси, саси,  
Муҳаббат қуёшинг, Ватаним сўзи  
Бугун ҳам, эрта ҳам дудоқлардадир.

Менга на шуҳрату на унвон керак.  
Қўшиғим қаноти умид ва тилак.  
Нега ҳам ёнмасин секинчдан юрак,  
Шеъримнинг ол ранги байроқлардадир.



## **ВАТАНИМ ЎЛ ДЕСА ЎЛГАН ШОИРМАН**

**Ким не деса десин, ким кулса кулсин,  
Мен ҳам маврудида кулган шоирман!  
Оғзидан сут ҳиди кетмаган гўдак,  
Мен халқим дардини билган шоирман!**

**Бахтли тақдиридан жўшқиндир шеърим!  
Қиличдан ўткирдир, кескиндир шеърим!  
Хаста юракларга таскиндир шеърим!  
Золимнинг бағрини тилган шоирман!**

**Мажнунтоллар менга йўлда бош эгар,  
Дўст бўлиб қўшилар жўмард йигитлар,  
Беҳуда қилма сен панду ўғитлар,  
Мен яхши-ёмонни билган шоирман!**

**Бош оғритар хулё нимага керак!  
Муҳаббатсиз дунё нимага керак!  
Кўз ёшидан дарё нимага керак!  
Элнинг кўз ёшини артган шоирман!**

**Сўн, десам, кўкларда сўнар юлдузлар,  
Ерга қўнгил, десам, қўнар юлдузлар,  
Ишқнинг карвонига дўнар юлдузлар,  
Қуёшли ўлкадан келган шоирман!**

**Ҳар нарса сотилар, юрак сотилмас,  
Нон-тузсиз қолса-да, юрак сотилмас,  
Кўнгилда туғилган тилак сотилмас,  
Ватаним ўл деса ўлган шоирман!**



## ТИЛИМГА ТЕГМА

Мен сенинг тилингга тегмасман, жаллод,  
Сен ҳам менинг она тилимга тегма!  
Сенинг ҳам боғинг бор, гулинг бор, чекин,  
Боғимда экилган гулимга тегма!

Ҳасад ила боқдинг чаманимга сен,  
Кўр, не бало этдинг Ватанимга сен,  
Ён, дединг, ўт қўйдинг баданимга сен,  
Қўлингга олов бор, гулимга тегма!

Мен оқни оқ дедим, қорани қора,  
Осмоқни истадинг сен мени дора,  
Ҳали битмагандир у эски яра,  
Менинг жароҳатли қалбимга тегма!

*1941*

## ҚУРСАМ

Тиз чўкиб ўпардим тупроғини жондан,  
Утмиши сафоли Табризни кўрсам.  
Бу кунда кўзидан қон ёши оққан,  
Ҳасратли, жафоли Табризни кўрсам.

Умид-ла тинглайди ҳар тонг оҳимни,  
Халқимда кўраман чин паноҳимни,  
Шеърим-ла юварман ўз гуноҳимни  
Боши минг балоли Табризни кўрсам.

Мени, мендан яхши билади Ватан,  
Висолни ҳижронга қилиб жону тан,  
Дарди бошдан ошган, кўзи йўл кутган,  
Фарзанди нолали Табризни кўрсам.

Ўт бўлиб ёнаман ҳамиша, ҳар дам,  
Сабабсиз эмасдир бу дард, бу алам,  
Тасалли топарман балки бирор дам  
Юраги ярали Табризни кўрсам.

## ИЧА БИЛМАСМАН

Араз соҳилидан ўтганда йўлим,  
Сира ҳаяжонсиз кеча билмасман!  
У қирғоқда нелар юз бермоқдадир,  
Мен аён биламан, нега билмасман!

Овозим эшитсин синглим, қардошим,  
Ҳижрон йўлларида оқарди сочим,  
Томар кўкрагимга яна кўз ёшим,  
Кундузни кечадан фарқ қилолмасман.

Ўзгалар сув ичар булоқларидан,  
Фарёд ўрмалайди ўчоқларидан,  
Нечун қўлларидан, оёқларидан  
Қуллик занжирларин еча олмасман?

У соҳилсиз менинг ҳаётим йўқдир,  
Висолидан буюк муродим йўқдир,  
Нега қушлар каби қанотим йўқдир,  
Нечун у соҳилга уча билмасман?

Кел, дейди, чорлайди Миёна, Табриз,  
Аразим бўйида чўкаман-да тиз,  
Юрагим ёнганда сувингни ҳаргиз  
Кўз ёши тўкмасдан ича билмасман!

## ЯНА АРАЗ ҚИРҒОҒИДА

Умр кечди, ҳижрон қуши жон уйдан кўчмади,  
Аразидан икки қардош ёнма-ён сув ичмади.

Неча йилки, мен ўзим ҳам билолмасман, азиз дўст,  
Айрилиқ ва дард дастидан юраклар қон ичрадир.

Телба кўнглим истагандек шўх булоқлар бошида  
Учоғимиз дуд чиқариб, каобимиз пишмади!

Шоир кўнглим қизил гулу чиннигулу лолани  
Икки соҳилдан бир йўла таялаб, узиб кўрмади.

Не учунки бу қўлларим муҳаббатнинг боғидан  
Тиканларни ўроқ каби ўз вақтида ўрмади!

Мен муҳожир биродарим кўзларидан ўпарман,  
Ол байроғин қўймас, гарчи ўқдан тешма-тешмадир.

Қонли уруш майдонида, қирғин саваш чоғлари  
Аждодимнинг ҳам Ғироти, ҳам Бўз оти кишнади.

Бобак каби, Гўрўғлидек йигитлар от ўйнатиб,  
Жанг сўнгида мўйлаб бураб, мард кўнглини  
хушлади.

Қон-қардошим, бир замонлар ярақлаган қиличинг  
Неча-неча душманларнинг юрагига пешлади.

Шухратингни юлдузларга, ойга, кунга ёздилар,  
Ҳайратидан кўҳна дунё бармоғини тишлади.

Қайда сенинг у чоқларинг! Йўқ, йўқ, кўриб  
турибман,  
Озодликнинг сўроғида жигар-бағринг ташнадир!

Кўп кездиму тоғу тошда, чақмоқ чаққан кўзларим—  
Ғам йўллари қисқамидир, узунмидир — ўчмади!

Ёқди мени ҳижрон дарди, бу қайғунинг олдида,  
Ўзинг аён биларсанки, бошқа дардлар ҳеч надир!

Узун-узун йўллар кечдим ғамгин, Араз ёқалаб,  
Қон бўлган бу юрагимда не туйғулар кечмади?

Қардошим, кел, юзларингга боқиб олай тўйгунча,  
Бу сўнг висол, балки кейин бунда йўлим тушмайди!

## **ЎТИ БОР**

**Зафар тўла китобида Ватаннинг  
Ҳар йигитнинг шуҳрати бор, оти бор.  
Достонларда бу кунгача кишнаган  
Бўз от каби, Ғирот каби оти бор.**

**Қадрдоним, ёдингдами у йиллар;  
Ҳасратлашиб, сирлашгани кўнгиллар!  
Умримизга тегиш тоза фасллар,  
Оғизларда у кунларнинг тотти бор.**

**Кеча-кундуз қалам тушмас қўлимдан,  
Фикру зикрим ҳижрондаги элимда,  
Сулаймонман, ўт тўкилар тилимдан,  
Юрагимда айрилиқнинг ўти бор!**



## **ДУНЁДАН ЎТМАМ**

**Шум ажал билсинки, васлинг боғидан  
Гул-чечак термасам, дунёдан ўтмам!  
У соҳил дилбарин ўзимдек озод,  
Бахтиёр кўрмасам, дунёдан ўтмам!**

**Бир дарё сўз тошар тошқин дилимда,  
Менга сўз очмагил асло ўлимдан,  
Сулаймон Рустамман, юртим, элимдан  
Қарзимни узмасам, дунёдан ўтмам!**

## ҚОЛАЖАК

Сендан хотира бўлиб, ёқамда гул қолажак,  
Кўзларимда умрбод жонли шакл қолажак.

Кун келар, азиз дўстим, юзингга кулгу қўнар,  
Зули янчилиб жаҳонда, ўрнида кул қолажак.

Бу тупроқ фориг бўлар бегона қадамлардан,  
Бу қаҳрамон, вафоли, бу шонли эл қолажак.

Ватан йўлига жонин тикаркан қайси шоир,  
Ватан билан ҳамнафас сўзи минг йил қолажак.

Саҳарлар кезганимда шундай ҳис қамрар мени:  
Табризда мендай содиқ минг-минг кўнгил қолажак!

## НИГОРОНДИРМАН

Араз бўйларида кезаман яна,  
Юраги сўз тўла бир инсондирман,  
Иилларки, кўзларим бу йўллардадир,  
Қардошим кўрмакка нигорондирман!

Бу не фалсафаю бу не бир ҳикмат,  
Бошимдан оқаркан бу умри давлат,  
Ҳижрон боғчасида чеккани ҳасрат,  
Висол, деб дилпора бир боғбондирман!

Шуҳрату шон, дея ёнмам зиёда,  
Камтарин шоирман кекса дунёда,  
Гоҳ-гоҳ тушиб қолар ҳақ бир гап ёдга:  
Аслида беш кунлик бир меҳмондирман!

Қалбимда муқаддас бир ҳасратим бор,  
Зарра доғ тушмаган ҳақиқатим бор.  
Кўринг, не гаройиб бир қисматим бор:  
Иккита соҳилли Сулаймондирман!

## САБАБ НЕДИР?

Жўшқин Араз соҳилида кирди яна юрак тилга.  
У соҳилдан бу соҳилга, бу соҳилдан у соҳилга.  
Булут кезар ижозатсиз, турна кечар ижозатсиз,  
Қанот ёйиб минг яшилбош, сўна кечар ижозатсиз,  
Юракларда тошган ўтли куйлар кечар ижозатсиз,  
Дўст уйига шошган ўтли куйлар кечар ижозатсиз,  
Оқшом, саҳар,  
Яна нелар  
Ундан эсан, бундан эсан шамол кечар ижозатсиз,  
Орзу кечар, тилак кечар, хаёл кечар ижозатсиз.  
Келинг, Сизга берай содда  
Савол битта:  
Не сабабдан шоир баъзан бу йўллардан кеча билмас,  
Шувалоннинг сувларидан тўйиб-тўйиб ича билмас?

## ШОИР ҚАРДОШИМГА МАКТУБ

*Шаҳриёрга<sup>1</sup>*

Кўп сўйладим юрагимнинг сўзини,  
Бир карра ҳам кўрмаганман юзини,  
Насиб этса кўрса эдим ўзини,  
Муҳаббатинг бағримдадир, Шаҳриёр,  
Менинг юрак дардимдадир, Шаҳриёр!

Ким айтарки, лисонимиз бошқача?  
На отимиз, на сонимиз бошқача,  
На жонимиз, на қонимиз бошқача!  
Юрак бирдир, Ватан бирдир, Шаҳриёр!  
Ватан бирдир, Ватан бирдир, Шаҳриёр!

Ҳаволари не сўлимдир бу ёзининг!  
Араз бўйлаб келар менга овозинг,  
Ярим жоним бу ёнинда Аразнинг,  
Ярим жоним ёнингдадир, Шаҳриёр!  
Шеъринг, сўзинг шакар татир, Шаҳриёр!

Ҳар кимдан ҳам сенга бу жон яқиндир,  
Узоқ дема йўллар, ишон, яқиндир,  
Қош билан кўз орасидан яқиндир,  
Кел-кел деяр куй-бешигим, Шаҳриёр,  
Сенга ҳады уй-эшигим, Шаҳриёр!

---

<sup>1</sup> Озар тилидан ижод қилувчи Табриз шоири.

**Ҳижрон ўти бағримизни ёқди, кел,  
Ёна-ёна жигаримиз оқди, кел,  
Майли келсанг, анжир-узум вақти, кел.  
Мажлисларда тўрда ўлтир, Шаҳриёр,  
Юракдаги орзум шулдир, Шаҳриёр!**

**Бешикдаги қуш уйқули гўдаклар,  
Дудоқлари сут юқили гўдаклар,  
Боболари тоғдан улли гўдаклар,  
Бизга овоз беражаклар, Шаҳриёр,  
Йўлимиздан боражаклар, Шаҳриёр!**

**Бокуга кел, боғу боқчам кулганда,  
Бир кафтгина тупроқ келтир келганда,  
Дўстлар қўшсин тупроғимга ўлганда,  
Шунда қолмас армон дилда, Шаҳриёр,  
Тинч ухларман сўнг манзилда, Шаҳриёр!**

## ТАБРИЗИМ

Хуснига боқдимۇ тўймади кўзим,  
Табризим, Табризим, гўзал Табризим!  
Қўймасман бегона кирса қўйнингга,  
Изн бер, қўлимни солай бўйнингга.  
Сенинг байрамингга, сенинг тўйингга  
Тили бир, қони бир қардошинг келди,  
Дардингга ачинган сирдошинг келди.

Пешвозимга чиқдинг тузу чурак-ла,  
Боғингда очилган гулу чечак-ла,  
Иккига бўлинмас соф бир юрак-ла,  
Табризим, Табризим, омон Табризим,  
Арсин бошингдан тумон, Табризим!

Қадрингни ҳасратинг чекканлар билар,  
Соғиниб, кўз ёши тўкканлар билар,  
Ҳаётига зулмат чўкканлар билар,  
Боғингдан гул-чечак тердим, Табризим,  
Қайта янгилади дардим, Табризим!

Йўлларда саф тортган мажнунтолларинг,  
Соя-салқинларда ажаб солланиб  
Йигитларга сўйлар бобо чолларинг,  
Жўшар томирларда қони, Табризим,  
Марду майдонларинг қани, Табризим?

**Йиғласанг — йиғларман, кулсанг — куларман,  
Яшасанг — яшарман, ўлсанг — ўларман,  
Боримни сен билан баҳам кўрарман,  
Келгил, юзларингдан ўпай, Табризим,  
Бошингдан гул-чечак сепай, Табризим!**

**Недир бу маъноли, теран боқишлар?  
Недир ёмғир каби кўздан ёғишлар?  
Недир қалбингдаги хазонлар, қишлар?  
Етимдек бошингни эгма, Табризим!  
Мунгли-мунгли, хазин боқма, Табризим!**

**Мен сенинг чечагу гулингга фидо!  
Менга қардош, деган тилингга фидо!  
Ватанингга фидо, элингга фидо!  
Хуснингга минг боқиб тўймайди кўзим!  
Табризим, Табризим, гўзал Табризим!**



## АЙТМА ҲЕЧ

Айтма ҳеч: «Севгилим унутиб мени,  
Юртимга сира ҳам йўламас бўлди!  
Қайишмас, ҳолимга зарра ачинмас,  
Яхши-ёмонимга ярамас бўлди!»

Кимда бор мендаги бу тоқат, тўзим,  
Сени қадам-қадам излади кўзим,  
Чувалган йўлларни тареди кўзим,  
Магар бу йўлларда ярам оз бўлди?!

Қийнамагин мени узоқдан-узоқ,  
Севган севганини унутмиш қай чоқ?  
Ҳар кун бу соҳилда чорладим, бироқ  
Овоз берган фақат бир Араз бўлди!

## ЯНА ТУРНАЛАР

Қавотлилар дунёсининг шоирларидан —  
Турналардан сўз очмоқни истадим бу дам,  
Баҳор келди, бу диёрдан учиб ўтдилар,  
Қур-қурлашиб, қур-қурлашиб кўчиб кетдилар.  
Ер юзининг узоқ-яқин манзилларида  
Қўшигимиз кездирдилар ўз тилларида.  
Аразимни унутмади қавотли карвон,  
Мен розиман турналардан то бор экан жон.  
Бу соҳилдан у соҳилга қўнди турналар,  
Едларида тутганча менинг шартимни,  
Патларини қалам каби йўнди турналар,  
Езди жануб тупроғига кўҳна дардимни.  
Ойлар ўтди, гуллар сўлди, сўлди чечаклар,  
Турналарнинг соғинчидап тўлди юраклар.  
Куним кечди келарми деб кўкларга қараб,  
Куз келдию қур-қурларга тўлди тоғ-дара.  
Яна бизнинг бу маконга келди турналар,  
Қўшиқ айтиб Ланкаронга келди турналар.  
Кўзларида у соҳилнинг ғамгин лавҳаси,  
Овозида опа-сингил, қардошим саси.  
Ардоқлисиз шу боисдан йўлчи турналар,  
Икки соҳил ўртасида элчи турналар!

## **ЧАҶИР**

**Бошинга тушса кадар суҳбатга жонини чақир.  
Лаблари гунчаю ул кўзлари жайронни чақир.**

**Дувёнинг маъноси шу: севгию ҳижрону висол,  
Шубҳа этсанг агар исботига дувёни чақир.**

**Сўндира билмоқ эмас осон муҳаббат ўтини,  
Истасанг кўмак учун сой била дарёни чақир.**

**Тузalur лаҳза висол бирла бу ҳижрон яраси,  
Чекма заҳмат, на табибу на-да Луқмонни чақир.**

**Сени ғамлар денгизи гирдобига олса агар,  
Ўзга бир кимсанимас, шоир Сулаймонни чақир!**

## ЮРАГИМНИ БЕРАРМАН

**Хазон босса боғингни чечагимни берарман,  
Дастурхонинг қоқ бўлса, чурагимни берарман.**

**Омонсиз бўлсин, дея, зарбанг жаллод бошида  
Билагинга куч, дея, билагимни берарман.**

**Душманларнинг нафаси заҳарласа ҳавони,  
Ҳазар шабодасининг ипагини берарман.**

**Тўфон туриб бошингда, тоғу қоялар учса.  
Таянгин, деб елкамни — курагимни берарман.**

**Озодлик жангларида юрагинга текса ўқ  
Кўксимда уриб турган юрагимни берарман!**

## МЕНГА ИНОНИНГ

Ватан бўстонида, дўстлик боғида  
Минг ниҳол экканман, экарман яна.  
Уларни боламдек қорда, бўронда  
Парвариш этганман, эгарман яна.

Маъзур тутсин мени бу эл, бу Ватан,  
Бахтлилар бахтлиси аталсам-да ман,  
Табриз дилбарини излаб ҳар ердан  
Кўз ёши тўкканман, тўкарман яна.

Ҳар ери бир, десам, кекса дунёнинг,  
Юраксиз аталгум, менга ишонинг,  
Олис эллардаги бахтсиз ҳар жоннинг  
Дардини чекканман, чекарман яна!

## **БУ ЙЎЛДА**

**Билган биларки, узун можароси бор бошимнинг,  
Бу йўлда кўргулик бир балоси бор бошимнинг.**

**Висолга етказ мени, садоқатли илҳомим,  
Нечун юз қора бўлгум ёнида сирдошимнинг.**

**Ғам ема деган кимдир, ғаройибдир сўзлари —  
Юракда-ку қуримас чашмаси кўз ёшимнинг!**

**Мен умримда қилмадим вафосизлик, хиёнат,  
Азобларга дош бергум йўлида сирдошимнинг.**

**Сулаймонман, ватаним, миллатим, тилим бирдир,  
Шу ёзилсин лавҳида, ўлсам, қабр тошимнинг!**

## ТИЛЛАРДА ЧАРХ УРАР ҚУШИҒИМ

Нариги соҳилда ёт қўллар билан  
Номи китоблардан чизилган менман.  
Фақат бир нарсадан топаман таскин:  
Шеъри юракларга ёзилган менман.

Лайлим сўроғида кездим йиллар-ла,  
Кунимни ўтказдим тасаллилар-ла,  
Кўнгил дафтарига қора қўллар-ла  
Айрилиқнинг муҳри босилган менман.

Воқифман халқнинг ўй-тилакларидан.  
Қон ёш сизади кўз қароқларидан.  
Сайёҳ турналарнинг лалакларига<sup>1</sup>  
Ҳижрон мактублари — осилган менман.

Кўпданки хаёлим, ўзим у ёқда,  
Тилларда чарх урар сўзим у ёқда,  
Араз бўйларида кўзим у ёқда,  
Қабри бу соҳилда қазилган менман!

---

<sup>1</sup> Л а л а к — қанот.

## ИИҒЛА

Табриз боғларида сўлди гул-чечак,  
Йиғла, гулим, йиғла, чечагим, йиғла!  
Мен учун йилларки йўллар беркилган,  
Араз шикояти — кулагим<sup>1</sup>, йиғла!

Гоҳ ёна тилимдан ўт-оташ сочдим,  
Бу соҳил тўқиндир, у соҳил — очин,  
Нони — ҳасрат синглим, иним, қардошим,  
Дастурхонда нону намагим, йиғла!

Армоним не — билар бу элим, халқим,  
Тоғдай оғир дардни кўтарар қалбим,  
Висол кунларини кўрмасман, балким,  
Йиғла, Араз кўзли юрагим, йиғла!

---

<sup>1</sup> К у л а к — шамол.



## АСАР АСАР УСТИГА

Жо бўлди умримга ёрқин саҳар саҳар устига,  
Элим бирла қозондик биз зафар зафар устига.

Кўнгилда бир ярам бордир... Саодат истаганнинг  
Юрагига тушиди тоғдек кадар кадар устига.

Ширин-шакар тилларини суғуриб олдилар-да,  
Ичирдилар унга ҳар кун заҳар заҳар устига.

Эшитилар қулоғимга у ғамдийда соҳилдан  
Дилни ўртар, нохуш, мудҳиш хабар хабар устига.

У дунёга келибдики бахту севинч ўрнига  
Умр китобига ёзмиш хатар хатар устига.

Жанубдаги қардошимнинг билмасманки бошига  
Яна нелар тушажакдир, нелар нелар устига.

Сулаймонга таъна, дашном айтмасми тонг еллари,  
Бу ҳақда мен ёзолмасам асар асар устига.

## ТАБРИЗ ЭСИМГА ТУШДИ

*Мадина Гулгунга*

**Келди минг тилли баҳор, Табриз эсимга тушди,  
Гулли, булбулли баҳор, Табриз эсимга тушди.**

**Йилларки дилим ўртайди Табризим фироғи,  
Ундадир нозли нигор, Табриз эсимга тушди.**

**Озми бу дунёда машҳур, сўлим не-не шаҳар,  
Ҳар ернинг ўз хислати бор, Табриз эсимга тушди.**

**Мен иним, опа-сингил, севгилим кўрмоққа зор,  
Йўқ, ўзгармас бу қарор, Табриз эсимга тушди.**

**Мен Сулаймон, Кур, Араз наволи содда шоир,  
Соламан дунёга жар: Табриз эсимга тушди.**

## **ТИНГЛА ҚАРДОШИНГНИ**

**Тингла қардошингни, кўз ёшли дўстим,  
Ҳамиша орзули, бардошли дўстим,  
Жигар-бағри дардга талошли дўстим,  
Истамам, кўзингдан селлар тўкилса!**

**Не жафо чекмадинг умрингда, нелар,  
Сени қутқазмасам зулматдан агар  
Кўзимда кечага айлансин саҳар,  
Бошимга томлардан куллар тўкилсин!**

**Сен қадам қўйганда бизнинг шаҳарда,  
Қутловлар ёғилсин кенг кўчаларда,  
Барча айвонлардан, панжаралардан  
Оёгинг остига гуллар тўкилсин!**

## **КУЧИРА БИЛСАЙДИЛАР**

**Дейманки, не бўларди жанублик қардошимга  
Менинг ҳаёт сувимдан ичира билсайдилар.  
Озод заминимдаги гуллар уруғин сочиб,  
Аразнинг у бўйида ундира билсайдилар.**

**Дейманки, не бўларди мени қон-қариндошим —  
Ёнига Араз узра кечира билсайдилар!  
Жароҳатли юраги эвазига — эвазсиз  
Менинг бу юрагимни кўчира билсайдилар!**

## ИШОНТИР, КЕТМА!

Табриздан кета туриб дўстимдан  
тинглаганим.

Ёлғиз ташлаб мени кўз ёшларимга-  
Қайларга кетарсан, ишонтир, кетма!  
Хаста кўнглимдаги хуш орзуларни  
Муборак қўлинг-ла уйғонтир, кетма!

Ўзингсан қалбимга, руҳимга сирдош,  
Сен кетсанг қорага бурканар тоғ-тош,  
Садқамен сен келган йўлларга, қардош,  
Тилакларим сенга аёндир, кетма!

Сенга кўз тикканди бу эл, бу аймақ,  
Мумкинми юзингга термилиб тўймоқ?  
Сен ўз уйингдасан, эмассан қўноқ,  
Бу элларнинг бағри ол қондир, кетма!

Зулм ила топталди гул боғим менинг,  
Сўнди ойим, куним, чироғим менинг,  
Ўзинг ёмон кунда бир тоғим менинг,  
Кетсанг, ерим яна зиндондир, кетма!

Демассан, ёш тўкиб ҳолимга йиғла,  
Фақат бу дўстингни ёдингда сақла,  
Ўз қўлларинг билан ярамни боғла,  
Кўз ёшим дарёдир, уммондир, кетма!

## ЎЗ ГУЛИСТОНИМ

Ўзга бир тупроққа кўзим тикмасман,  
Кифоядир менга ўз гулистоним.  
Ватан деб розиман жондан кечмоққа,  
Ватандир шуҳратим, Ватандир шоним!

Хабардорман сенинг ҳол-аҳволингдан,  
Гулларинг хор бўлди ётлар қўлинда,  
Жону танзимиз бирдир, ахир қардошим,  
Виждоним қийналар ўйлаб ўйингда.

Ғам-ғусса чекмасдим, эҳтимол, бунча,  
Табризни кўрсайдим бир бор тўйгунча,  
Висол илинжида Араз бўйида  
Йўлларни йўлларга ямаган жоним!

## ЮРАГИМНИНГ ЯРАСИДАДИР

Тингла шоирингни, Табриз гўзали,  
Яна сени ўйлаб, дил тўла алам.  
Тарихи узоқдир бу айрилиқнинг,  
Танимга сут билан киргадир бу ғам.

Дунёни берсалар қабул этмасман,  
Кўнглим висолингга ошиқар фақат.  
Табриз ерларида унган гул эдинг,  
Тақдир бўлди сенга қон сизган тупроқ.

Силкин, бадар кетсин бошингда кезган  
Сенга кун бермаган қора булутлар.  
Тупроғингда кўклаб, бўй чўзсин яна  
Баҳор даракчиси — чечаклар, ўтлар.

Ҳали-замон келар висолинг йўли —  
Кўзим ила кўзинг орасидадир.  
Йўқ, йўқ, мумкин эмас сени унутмоқ:  
Ишқинг юрагимнинг ярасидадир!

## МУҶАДДАС ОРЗУ

Бир орзум бор шу дунёда,  
Бир кун мени олиб ёдга,  
Китобимни Араздаги кўприк устига оссинлар,  
Ёш насллар унутмасин шоир васиятини:  
Бевақт кетсам бу дунёдан, қабр тошимга ёзсинлар  
Икки ерга парчаланган юрагимнинг дардини!



## ГУЛ ТЕРА БИЛМАС

Ет гул тера билмас чаманимдан,  
Ҳеч куч айиролмас мени бир он  
Ўз она элимдан, ватанимдан.

Бош эгмасман ҳаргиз ёвларимга,  
Ҳар ерда қуёшдир менга байроқ,  
Қон оқса-да селдек баданимдан!  
Ўлсам-да қолар ишларим порлоқ,

Душман менга қўл урса баногоҳ —  
Ўт олажакдир кафанимдан.  
Ҳеч куч айиролмас мени бир он  
Ўз она элимдан, ватанимдан!



## ТИЗДИМ

Табриз гўзали ҳажрингда кездим,  
Қалбимда қизил қоним ипига  
Ўз дардимни тасбеҳ каби тиздим!

Ҳеч ким бу хил тоқат эта олмас,  
Бир менгина васлингга умидвор  
Йиллар бўйи ҳижронингда тўздим!

Йилларки, кўзинг йўлда қолибдир,  
Қалбингда висол орзуси тун-кун,  
Мен сингари эй, қиз буни сездим!

Қалбимда қизил қоним ипига  
Ўз дардимни тасбеҳ каби тиздим.

## ҲАЙРОН БЎЛАМАН

Мен бу соҳилда гўзалликларга ҳайрон бўламан,  
У соҳилга боққанда оҳ, дили вайрон бўламан.

Неча йилдирки мени бунда танир ҳар хонадон,  
Шеърга ошиқ кўнгиллар дардига дармон бўламан.

Элда суюк шоирлардек азиз билдим еримни,  
Ватаннинг яшнаган гулзорига боғбон бўламан.

Шаҳар, қишлоғу кентимни қалам бирлан кезарман,  
«Хуш келибсиз!» — деб қаршилар ҳар уй, меҳмон  
бўламан.

Бу соҳилда мангу севинч ҳамроҳидир юрагим,  
У соҳилга боққанда дардли Сулаймон бўламан!

## ТАНИБ ОЛДИМ

Ҳақиқий қиёфанг таниб олдим мен:  
Ватанга, миллатга кераксиздирсан.  
Тил учида минг бор Ватан десанг-да,  
Аслида, миллатсиз, маслаксиздирсан.

Юзингда сохта бир табассум сенинг,  
Ғойибсан ичида туман ва чангинг,  
На бирор дўстинг бор, на бир душманинг,  
Орзусиз, уқувсиз, тилаксиздирсан.

Дуч келган томонга ёғдирдинг бўҳтон.  
Афсус, билмадингки ўзгача замон.  
Сен ёмонга яхши, яхшига ёмон,  
Яхшики, туҳматда кўмаксиздирсан.

Ёп-ёруғ кундузни — кеча билибсан,  
Тўйда йиғлаб, мотам чоғи кулибсан,  
На бир севибсану на севилибсан,  
Юрагинг йўқ сенинг, юраксиздирсан!

## НЕ ҲОЖАТДИР...

Мароқли ўтаркан мажлисда суҳбат,  
Палов не ҳожатдир, ош не ҳожатдир?  
«Оғзи бўш» одамлар олдида гуллаб  
Этмак ўз сиригни фош, не ҳожатдир?

Ахир у Ватанга кўнгила бермаган,  
Бир гул ундирмаган, бир гул термаган,  
Фитнаю фасоддан юз ўгирмаган,  
Қабрининг устига тош не ҳожатдир?

Бодани қўлидан сира қўймаган,  
Мақтову шуҳратдан кўзи тўймаган,  
Ватанни тўймаган, элни тўймаган —  
Юраксиз одамга бош не ҳожатдир?

## ҲАСАД

Қўймас одамда ҳасад яхши аломатдан асар,  
Энг муқаддас, энг азиз, улкан муҳаббатдан асар.

Ҳасад ўз беморининг шуҳратига болта урар,  
Заррача қўймас унинг номида шуҳратдан асар.

Ким ҳасад йўлини тутди, кўрмас охир-оқибат  
Қалбининг гавҳари — виждон каби неъматдан асар.

Баъзи бирлар бақириб, миллат тилидан лоф урар,  
Халойиқ кўрмас қуруқ нутқида ҳақиқатдан асар.

Кемирар қуртдек ҳасад ақлини ҳам, қалбини ҳам,  
Бу сифат хастада бўлмас сира ғайратдан асар!

## ЮРАКСИЗ ОДАМ

Бу оғзи қулф урилган, кўзлари боғлиқ одам,  
Наздимда, умр сурмади.  
Жўшиб-жўшиб ҳаётдан олмади зарра илҳом,  
Дунёмизния кўрмади.  
На дўстлар даврасида, на эллар байрамида  
Севинмади, кулмади,  
Илк баҳор кезларида, гўзалларнинг базмида  
Ҳаяжонга келмади.  
Дастурхонлар бошида ўтирди лол, тош каби,  
Миясиз бир бош каби,  
Бахтлилар дунёсида, ижодкорлар ичида  
У кераксиз яшади.  
Қўли очиқ, хушчақчақ мард дўст-ёрлар ичида  
У юраксиз яшади.  
Шу сабабдан, эҳтимол, беҳабардир эл, Ватан,  
Унинг қачон тугилиб, дунёдан ўтганидан!



## УХШАМАС

Уфқларда қуёш балқир байрогимдек ҳар саҳар,  
Узга элнинг саҳари саҳаримга ўхшамас.  
Бу дунёда барча гўзал, барча буюк шаҳарлар  
Хуш офтобли, хушҳаволи шаҳаримга ўхшамас.

Гўзалликнинг сирларини бирин-бирин очганман,  
Шоир каби давронимга минг бир қўшиқ қўшганман,  
Сафар чоғи денгизлардан, уммонлардан ошганман,  
Ҳеч бир денгиз, ҳеч бир уммон Ҳазаримга ўхшамас.

Севгилимни ул соҳилда кўролмадим бу ойда,  
Демангизки, сенинг аччиқ фарёдингдан не фойда?  
Ярим жоним бу қирғоқда, ярмиси ул қирғоқда,  
Мингта Мажнун ғам-қайғуси кадаримга ўхшамас.

Сулаймонман, бу дард менинг юрагимда ярадир,  
У соҳилда қон-қардошим бахти ёмон қорадир,  
Яхшики, мен ҳали тирик қалам ёзур, яратур,  
Ҳеч бир дафтар менинг юрак дафтаримга ўхшамас!

## ГУЗАЛЛАР ГУЗАЛИГА

**Ишқини қалбимга бахтим каби ёзмиш ўз қўлим,  
Сен гўзаллар гўзалидан ҳам гўзалсан, гўзалим!**

**Юзингни кўрмаган ҳар кунимни кун демасман,  
Ранжима, шаънингга бир сўзи дилхун демасман,  
Сени Лайли, ўзимни, яхшики, Мажнун демасман,  
Кел, гулим, кел чечагим завқу илҳомда дилим,  
Сен гўзаллар гўзалидан ҳам гўзалсан, гўзалим!**

**Сендан ўрганди баҳор нағмаларнинг энг созини,  
Ёйди дунёмизга хуш нағманинг хуш ҳавосини,  
Тўймадим ҳар кунни минг бор эшитсам овозини,  
Жар солай, майлига, билсин Ватаним, билсин элим:  
Сен гўзаллар гўзалидан ҳам гўзалсан, гўзалим!**

**Кўзларим тўрт бўлди-ку, ҳар лаҳза, ҳар он йўлингга,  
Қарагил, ким ўтирибдир сенинг ҳижрон йўлингга?  
Қайдасан, кел бу висол отли Сулаймон йўлига,  
Кел, кел, этсин яна парвоз гўзал орзу, амалим,  
Сен гўзаллар гўзалидан ҳам гўзалсан, гўзалим!**

## СУЛАЙМОН НАЙЛАСИН

Бўлмаса ҳажрингда бу кўнглим паришон, найласин,  
Этмас ўз жонини жонингга қурбон, найласин.

Келмаса гулшанга булбул сайрамай гул ишқида,  
Сўлмайини шан нағмасиз гулшан, гулистон найласин?

«Кел, кел, эй, ёр!» — чорламоқдан толди тилим,  
келмадинг,  
Сен ўзинг бўлдинг сабаб ҳижронга, ҳижрон  
найласин.

Ўзга бир гул юзлига берсам кўнгил, эй бевафо,  
Сен ўзингдан кўр, гуноҳкорсан, Сулаймон найласин?!

## ХОТИРА

Ҳар кимки заҳар ичса гўзал ёри қўлидан  
Бўлмас сира ҳам зарра пушаймон амалидан.  
Қай уйки муҳаббатга бегона — нега даркор,  
Ачинар ким — қуласа бир куни ногоҳ тамалидан.

Кўнгил қуши завқ-шавқ олиб айлар яна парвоз,  
Бир зулфи паришон, дудоғи ғунча келиндан.  
Ёндим бераҳм ёр деб... «Ҳар тўкисда бир айб!» —  
Жононни хабардор этайин эл масалидан.

Қалбинг — жароҳатли, майли фахр айла, Сулаймон,  
Бир хотира сенга бу Табриз гўзалидан!

## ВАФОЛИ ҚОЛДИ

Яна кўнгил қуши хаёлга толиб,  
Яна бошим устин туманлар олди.  
Ярим йўлда Араз йўлимни кесиб,  
Мени минг қайғуга, балога солди.

Севгилимдан йироқ тушди-ю кўнглим,  
Аламдан, жафодан ёндим, тутоқдим!  
Кечалари уйқу бермай то саҳар  
Мени чаёнми, ё илонми чақди.

Йўлларда қон йиғлаб, кўз ёшим, ҳайҳот,  
Узоқ йиллар ўтиб қуриб йўқолди.  
Анча бўлди, мени йўқламас висол,  
Менга бир айрилиқ вафоли қолди.

## ЁЛҒОНДИР

Ҳижрон ўтида мен ёнамен неча замондир,  
Куйган юрагимни яна ёндирма, ёмондир.

Сен кўзлари йўллардаги Табриз гўзалисен  
Ҳасрат тўла қалбингда баҳоринг-да хазондир.

Соҳил бўйида васлингга зормен, чекамен оҳ,  
Бу ҳажрингга бардош беришим қайда осондир?

Олдинги менинг номаларим турналаримдан?  
Бир йўлки жавоб бер, бу дилим кўп нигорондир.

Ҳар ким деса: «Рустам сени ёддан чиқарибдир!»  
Йўқ, йўқ, гулим, ишонма бу сўз асли ёлғондир!

## КЎЗИ БОР

Кўпни кўрган, чидамли бир шоирман,  
Ҳар яранинг бағримда бир кўзи бор.  
Тўхта, жаллод, бу тупроқда, бу ерда  
Аждодимнинг ҳали оёқ изи бор.

Нафратидан чақмоқ чаққан сўзимда,  
Селлар каби жўшиб оққан сўзимда,  
Нолалари жонни ёққан сўзимда  
Қон йиғлаган Табризимнинг ўзи бор.

Сеникимас, асли маним бу Ватан,  
Нафасидан сўлди бу боғ, бу чаман.  
Қай ноқас у сотмоқ бўлган,  
Юрагимнинг қулоғи бор, кўзи бор!





## УХШАЙСАН

Вафодорман сенга, яхши биласан,  
Нечун яна имтиҳонга чекасан!  
У соҳилда кеча-кундуз, биламан,  
Ташвиш-ғамим ёна-ёна чекасан!

Фойда йўқдир — йиғламакдан не чиқар,  
Йиллаб аза сақламоқдан не чиқар?  
Кўкдан умид кутмоқликдан не чиқар?  
Сен Ҳожардек мард онангга ўхшайсан!

Доғ йўқ сира шуҳратингда, шонингда,  
Не аламки чанг бор сенинг жонингда!  
Душман нафас ола билмас ёнингда,  
Бу борада Сулаймонга ўхшайсан!

## **КИМДИР**

**Шоирни хаёлчан кўриб ўйлайсан:  
Соҳилда бу ҳоли паришон кимдир?  
Араз қирғоғида йўлга термулган —  
Юраги дард тўла бу инсон кимдир?**

**Туну кун Табриз деб куйиб-ўртансанг  
Машаққат йўлида менга инон сен,  
Мен каби айрилиқ ўтида ёнсанг,  
Ўшанда биласан — Сулаймон кимдир?!**

## МУНДАРИЖА

### *Мақсуд Шайхзода таржималари*

Туғишган шаҳар . . . . .	3
Шеър нима? . . . . .	4
Менсиз . . . . .	5
Илк муҳаббат . . . . .	7
Озод . . . . .	8

### *Зулфия таржималари*

Йўлларим . . . . .	9
Ешимни шеъримдан билинг . . . . .	10
Дўст каби, қардош каби . . . . .	11
Қиммати йўқдир . . . . .	13
Ҳазар нега ўхшайди . . . . .	14
Ҳазарда тун . . . . .	15
Йўқотсам йиғлайман . . . . .	16
Куз . . . . .	17
Оқшом . . . . .	18
Ўрнини боса билмас . . . . .	19
Ахтаринг . . . . .	20
Унутилмас . . . . .	21
Оналар . . . . .	22
Она тупроқ . . . . .	23
Қорабоғ . . . . .	24
Бедорлик . . . . .	25
Келиб кетмиш . . . . .	26
Лайлак қор . . . . .	27
Қирговул . . . . .	28
Бу — менман . . . . .	29

### *Шуҳрат таржималари*

Севган рангим . . . . .	31
Исён кўтар . . . . .	32
Чапаев . . . . .	33

Боку . . . . .	35
Яхши ҳам борман . . . . .	37
Умр китобидан бир япроқ . . . . .	38
Ватанисиз яшамадим . . . . .	39
Жавоб бермоғим керак . . . . .	41
Сенинг жонинг чўнтакдадир . . . . .	43
Санъат ва муҳаббат . . . . .	45
Жугрофия дарсида . . . . .	48
Баҳорим . . . . .	50
Бўлмаганда . . . . .	51
Кошки эди . . . . .	53
Момолар, боболар ўчоғидаман . . . . .	54
Яна темирчихонада . . . . .	55
Суҳбат . . . . .	57
Хотира . . . . .	59
Васиятнамо бир нарса . . . . .	60
Бир «дўстимга» . . . . .	61
Насиҳат . . . . .	62
Севаман, севмайман . . . . .	63
Оддийгина шоирман . . . . .	64
Танқидчи дўстимга очиқ хат . . . . .	66
Нон-тузинг нарига итарма . . . . .	68
Денгиздаги шаҳар . . . . .	69
Занжи шоираси Сесилга . . . . .	70
Ёдда тутинг . . . . .	71
Боқдим . . . . .	76
Баҳор юрагимдадир . . . . .	77
Ёдимга тушди . . . . .	78
Оёғим эмас . . . . .	79
У чоғлар . . . . .	80
Ширин хотира . . . . .	81
Сени сира бермайман . . . . .	82
Номингни ёзганман . . . . .	83
Бу сенинг юрагингдир . . . . .	84
Юраксиз борма . . . . .	85
Ёнмасин сира . . . . .	86

Сени севмасайдим . . . . .	87
Нега дил бердинг . . . . .	88
Сенсан . . . . .	89
Қўй, севмасин . . . . .	90
Ҳисобга ўтмасин . . . . .	91
Билмадинг сен қадримни . . . . .	92
Озарбайжондан айрилмас . . . . .	93
Кўр . . . . .	94
Неварам, қуёшга хат . . . . .	95
Дудоқлардадир . . . . .	96

*Ойдин Ҳожиёва таржималари*

Ватаним ўл деса ўлган шоирман . . . . .	97
Ватан ёнди . . . . .	98
Тилимга тегма . . . . .	99
Кўрсам . . . . .	100
Ича билмасман . . . . .	101
Яна Араз қирғоғида . . . . .	102
Ўти бор . . . . .	104
Дунёдан ўтмам . . . . .	105
Қолажак . . . . .	106
Нигорондирман . . . . .	107
Сабаб недир? . . . . .	108
Шоир қардошимга мактуб . . . . .	109
Табризим . . . . .	111
Айтма ҳеч . . . . .	113
Яна турналар . . . . .	114
Чақир . . . . .	115
Юрагимни берарман . . . . .	116
Менга инонинг . . . . .	117
Бу йўлда . . . . .	118
Тилларда чарх урар қўшиғим . . . . .	119
Йиғла . . . . .	120
Асар асар устига . . . . .	121
Табриз эсимга тушди . . . . .	122

Тингла қардошингни . . . . .	123
Кўчира билсайдилар . . . . .	124
Ишонтир, кетма . . . . .	125
Ўз гулистоним . . . . .	126
Юрагимнинг ярасидадир . . . . .	127
Муқаддас орзу . . . . .	128
Гул тера билмас . . . . .	129
Ҳасрат чекарман . . . . .	130
Тиздим . . . . .	131
Ҳайрон бўламан . . . . .	132
Таниб олдим . . . . .	133
Не ҳожатдир . . . . .	134
Ҳасад . . . . .	135
Юраксиз одам . . . . .	136
Ўхшамас . . . . .	137
Гўзаллар гўзалига . . . . .	138
Сулаймон найласин . . . . .	139
Хотира . . . . .	140
Вафоли қолди . . . . .	141
Ёлғондир . . . . .	142
Кўзи бор . . . . .	143
Севгилим . . . . .	144
Ўхшайсан . . . . .	145
Кимдир . . . . .	146

*На узбекском языке*

*«Библиотека Дружба»*

*Поэзия народов СССР*

**Сулайман Рустам (Сулайман Алиаббас огли  
Рустамзаде)**

**ОРЛИНЫЕ ВЕРШИНЫ**

**С т и х и**

Перевод с издания издательства «Азернашр», 1976 г.

**Редактор Ш. Раҳмон**

**Рассом Т. Шумская**

**Расмлар редактори А. Бобров**

**Техн. редактор Т. Смирнова**

**Корректор О. Турдубекова**

**ИБ № 1233**

Босмахонага берилди 10.01.79. Босишга рухсат этилди.  
06.04.79. Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>2</sub>. Босма л. 4,75. Шартли босма  
л. 5,55. Нашр. л. 3,82+0,06 вкл. Тиражи 5000. Ғафур Ғулом  
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий  
кўчаси, 30. Шартнома № 230—78

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полигра-  
фия ишлаб чиқариш бирлашмасида 1-қоғозга босилди. Тош-  
кент, Навоий кўчаси, 30. 1979 йил. Заказ № 1213. Баҳоси 85 т.

**Рустам Сулаймон.**

**Бургутлик қоялар: Шеърлар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 С.— 152 б.—(Дўстлик кутубхонаси. СССР халқлари поэзияси).**

•Дўстлик кутубхонаси•дан чиқаётган бу китобга Озар байжон совет шоири Сулаймон Рустамнинг энг сара шеърлари таниқли ўзбек шоирлари Шайхзода, Зулфия, Шуҳрат, Ойдин Ҳожиевалар таржимасида киритилди.

**Рустам Сулаймон. Орлиные вершины. Стихи.**

**С(Озер**